



UZMETKOMBINAT

АО ·УЗМЕТКОМБИНАТ·



«Группа компаний ШАНЭКО»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

115522, Москва шахри, Москворече кўчаси, 4-й, 3-корпус

Тел./факс: (495) 545-3421

shaneco.group@shaneco.ru | shaneco

UZMETKOMBINAT
АО ·УЗМЕТКОМБИНАТ·

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚУЙИШ-ПРОКАТ МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШИ

Атроф-мухитга ва ижтимоий соҳага таъсирларни
баҳолаш

Нотехник мазмунли резюме

128-0948-ESIA-NTS



2023 й.



«Группа компаний ШАНЭКО»

Акциядорлик жамияти

115522, Москва шаҳри, Москворече кӯчаси, 4-уй, 3-корпус

Тел./факс: (495) 545-3421

shaneco.group@shaneco.ru | shaneco

Буюртмачи: «ЎМК» АЖ

**«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ҚУЙИШ-ПРОКАТ МАЖМУАСИННИГ ҚУРИЛИШИ

**Атроф-муҳитга ва ижтимоий соҳага таъсирларни баҳолаш
Нотехник мазмунли резюме**

128-0948-ESIA-NTS

Бош директор



Масъул ижрочи




E.V. Старова

A.E. Рябенко

Буюртмачи: «ЎМК» АЖ

**«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ҚУЙИШ-ПРОКАТ МАЖМУАСИННИГ ҚУРИЛИШИ

**Атроф-муҳитга ва ижтиомий соҳага таъсирларни баҳолаш
Нотехник мазмунли резюме**

128-0948-ESIA-NTS





Директор





O.H. Вахидова-Мордовина

ИЖРОЧИЛАР РҮЙХАТИ

«ГК ШАНЭКО» АЖ

Лойиха куратори, бош мутахассис	Г.В. Азарова	
Бош директор үринбосари	Ю.Ю.Левин	
Консультант	А.Е. Рябенко	
Консультант	А.О. Журба	
Бош технолог	Г.Э. Попов	
Бош мутахассис	А.Ю. Эммануилов	
Бош мутахассис	А.В. Авксентьев	
Бош мутахассис, т.ф.н.	А.В. Калинин	
Етакчи мутахассис	М.К. Чернавина	
Бош мутахассис	И.Г. Мадатова	

«EKOSTANDART EKSPERT» МЧЖ

Директор, лойиха координатори	О. Вахидова-Мордовина	
Бош эколог	Г. Петряева	
Эколог	Л. Конанюк	
Бош социолог	Б. Мавланов	
Акустик	С. Касимходжаева	
Социолог, коммуникациялар бўйича мутахассис	М. Расулметов	
Эколог/Атмосфера ҳавоси бўйича мутахассис	Н. Лиманкина	
Химик-гидролог	С. Ким	
Радиация ҳавфсизлиги бўйича мутахассис, т.ф.н.	М. Салимов	
Биохилмалик бўйича мутахассис	Н. Бешко	

Биохилмакиллик бўйича мутахассис	Т. Абдураупов	
Гидробиолог	З. Мустафаева	
Фан автоном нотижорат ташкилоти «Окружающая среда – риск – здоровье» маркази		
Директор, м.ф.д., профессор	Б.А. Ревич	

МУНДАРИЖА

ЖАДВАЛЛАР РҮЙХАТИ	8
АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	9
ҚИСҚАРТМАЛАР	11
1 КИРИШ	12
1.1 Режалаштирилаётган фаолиятнинг қисқа тавсифи	12
1.2 Тарихий маълумот	12
1.3 Бошланғич маълумотлар	13
2 ЛОЙИХА РЕЗЮМЕСИ	14
2.1 Қисқача таърифи	14
2.2 Жойлашуви	14
2.2.1 «Нолли вариант»	15
2.2.2 ҚПМ ни жойлаштириш	15
2.2.3 Технологик ечимлар	16
2.2.4 Транспорт	17
2.3 Ерларнинг мақоми ва улардан фойдаланиш	18
2.4 Қўшма объектлар	18
3 МАНФААТДОР ТОМОНЛАР БИЛАН КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР	19
3.1 Консультациялар ва АМИСТБ бўйича маълумотларни етказиш	19
3.1.1 Лойиҳани амалга ошириш даврига режалаштирилган консультациялар	21
3.1.2 Маҳаллий аҳолини жалб этиш дастурлари	21
3.2 Лойиҳа бўйича шикоятларни кўриб чиқиш механизми	22
3.2.1 Махфийлик ва анонимлик	22
3.2.2 Шикоятлар ва уларнинг ҳал этилиши тўғрисида ҳисобот	22
3.2.3 Мурожаатлар билан ишлаш ва ҳисобот	22
4 ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ	24
4.1 Экологик таъсирлар	24
4.1.1 Атмосфера ҳавосининг сифатига таъсир	24
4.1.2 Иқлим ўзгаришларини баҳолаш	25
4.1.3 Акустик таъсирлар	26
4.1.4 Чиқиндиларни юзага келиши билан боғлиқ таъсирлар	27
4.1.5 Ер усти сувларига таъсир	29
4.1.6 Ер ости сувларига таъсир	29
4.1.7 Тупроқ қопламасига таъсир	31
4.1.8 Ўсимликтин дунёсига таъсир	31

4.1.9	Ер ҳайвонот дунёсига таъсир	32
4.1.10	Ихтиофауна ва сув экотизимлари организмларига таъсир	32
4.2	Ижтимоий таъсир	33
4.2.1	Мехнат бозорига таъсир	33
4.2.2	Иқтисодий ривожланишга таъсир	34
4.2.3	Үқитиш ва малакани ошириш билан боғлиқ таъсирлар	35
4.2.4	Ерларни олиш, иқтисодий кўчириш	36
4.2.5	Ишчи кучининг оқиб келиши ва аҳоли сонининг ўзгариши	37
4.2.6	Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат	38
4.2.7	Маҳаллий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятлари	39
4.2.8	Таъминот занжирлари билан боғлиқ таъсирлар	39
4.2.9	Маданий мерос	40
4.2.10	Ишчиларнинг ҳуқуқлари, хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси	40
4.2.11	Аҳолининг саломатлиги, хавфсизлиги ва фаровонлиги	42
5	ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ БОШҚАРУВ ҲАМДА МОНИТОРИНГ	44
5.1	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мониторинг бўйича чора-тадбирлар	44
5.2	Ижтимоий муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирлар	44
6	ЖАМЛАНМА (КУМУЛЯТИВ) ТАЪСИРЛАР	47
7	ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ТАЪСИРЛАР	49
8	ЭКОТИЗИМЛИ ХИЗМАТЛАРГА ТАЪСИР	51
9	АЛОҚА ЎРНАТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР	52
10	ХУЛОСА	53

РАСМЛАР РҮЙХАТИ

2.1 расм – Кўзда тутилаётган фаолият ҳудуди. Муқобиллар таҳлили.....	15
2.2 расм – ЎМК ҳудудида темир йўл линиясини қайта қуриш бўйича қарор (Бекобод шаҳри бош режаси материаллари бўйича, 2010 й.)	17

ЖАДВАЛЛАР РҮЙХАТИ

1.1 Жадвал - "Ўзметкомбинат" АЖ ривожланишининг асосий босқичлари	12
3.1 Фокус-гурӯҳлар рўйхати.....	20
3.2 Жадвал. Маълумотларни етказиш бўйича тадбирлар	21
3.3 Жадвал. Жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассис	23
4.1 Жадвал. Корхона фаолияти натижасида юзага келадиган ифлослантирувчи газлар ташламалари, СО2 эквиваленти, минг тонна,	25
4.2 Жадвал. Лойиҳанинг аҳоли бандлигига таъсири	34

АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Кўшма обьектлар	Кўшма обьектлар – булар лойиҳа доирасида молиялаштирилмайдиган ва агар лойиҳа амалга оширилмаганда қурилмайдиган ёки кенгайтирилиши кўзда тутилмагана, уларсиз лойиҳа яроқсиз бўладиган обьектлар (ХМК Фаолият стандарти 1)
Атроф-муҳитга таъсир ва ижтимоий шароитлар	Экологик ва ижтимоий таъсирлар – жисмоний, табиий ёки маданий муҳитдаги ҳар қандай эҳтимолий ёки реал ўзгаришлар, шунингдек режалаштирилаётган фаолият туфайли маҳаллий аҳолига ва персоналга нисбатан таъсир (ХМК Фаолият стандарти 1)
Манфаатдор томон	Фаолиятни амалга оширилишига ёки қарор қабул қилинишига таъсир этиши, уларнинг таъсирига учраши ёки ўзини таъсирга учраган деб ҳисоблаши мумкин бўлган шахс ёки ташкилот
Буюртмачи, унинг ўзи режалаштирилаётган фаолиятнинг ташаббускори, унинг ўзи Компания	“Ўзметкомбинат” Акциядорлик жамияти (“Ўзметкомбинат” АЖ, ЎМК)
Таъсир ҳудуди	Зарар кўриши мумкин бўлган ҳудуд: (i) лойиҳадан, фаолиятдан ва мижознинг обьектларидан, бевосита у томонидан фойдаланиладиган ёки бошқариладиган (жумладан пурдатчилар томонидан) ҳамда лойиҳа таркибиға кирадиган; (ii) лойиҳадан, режалаштирилмаган, лекин тахмин қилинадиган вазиятдан, кейинроқ ёки бошқа жойда юз берадиган; ёки (iii) зарар кўрган ҳамжамиятлар учун турмуш кечириш воситаси ҳисобланган биохилмажилликка нисбатан лойиҳаning билвосита таъсирларидан (ХМК Фаолият стандарти 1)
Муҳим аҳамиятга эга яшаш ҳудудлари	Муҳим аҳамиятга эга яшаш ҳудудлари – биохилмажиллик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар, жумладан: (i) тўлиқ йўқолиб кетиш чегарасида турган ва/ёки йўқолиб кетаётган турлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яшаш жойлари; эндемик турлар ва/ёки чекланган ареалли турлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яшаш жойлари; (iii) глобал аҳамиятга эга бўлган, кўчиб юрувчи ва/ёки гала бўлиб яшайдиган турларнинг тўпланиши кузатиладиган яшаш жойлари; (iv) ўта ночор ҳолатда бўлган экотизимлар ва/ёки ноёб экотизимлар, ва/ёки (iv) муҳим эволюцион жараёнлар билан боғлиқ ҳудудлар (ХМК Фаолият стандарти 1)
Жамлама таъсирлар	Лойиҳада фойдаланиладиган ёки Лойиҳа таъсири туфайли бевосита зарар кўрадиган фаолият ёки ресурслар соҳасига қўшимча таъсир натижасида, хатарлар ва таъсирларни аниқлаш жараёнини ўtkазish даврида бошқа мавжуд, режалаштирилаётган ёки реал аниқланган вазиятлар натижасида юзага келадиган таъсир; илмий мулоҳазага асосан ва/ёки зарар кўрган ҳамжамиятларнинг хавотирларидан келиб чиқсан ҳолда сезиларли дея тан олинган таъсирлар (ХМК Фаолият стандарти 1)
Маҳалла	Маҳалла – шаҳарнинг аҳоли яшаш массиви, одатда ҳамжамиятни ва аҳолининг ўзини ўзи бошқариш маъмурӣ бирлигини ифодалайди. Маҳалла кенг маънода туманга ёки маҳаллий ҳамжамиятга тааллуқли бўлади. Уни “анъанавий институт” сифатида илгари сурган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати маҳаллани жамиятнинг “мустаҳкам ячейкаси” сифатида қабул қилган. Маҳаллалар 1993 йилда “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтлари тўғрисидаги қонун”га, шунингдек, Маҳалла тўғрисидаги қонун номи билан маълум бўлган қонунга мувофиқ қонунлаштирилган. Деярли ҳар бир Ўзбекистон фуқароси маҳаллага мансуб ва ҳеч ким ижтимоий-иқтисодий мақоми, касби ёки дини бўйича ундан чиқарилиши мумкин эмас (https://uzbekistangid.ru/kultura/chto-takoe-mahallya-v-uzbekistane)
Атроф-муҳитга ва ижтимоий соҳага (муҳитга) таъсирни баҳолаш	Режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитнинг таркибий қисмларига ва режалаштирилаётган фаолиятнинг муқобил варианtlари таҳлилини ўз ичига оладиган ижтимоий-иқтисодий шароитларга таъсирларни аниқлаш, тахмин қилиш ва баҳолашни, уни амалга ошириш шартларини ҳамда экологик ва ижтимоий менеджмент соҳасида тадбирларни ишлаб чиқиши, фаолият тўғрисидаги тегишли маълумотни етказиши ва манфаатдор томонлар билан консультацияларни ўз ичига оладиган ишлар мажмуаси
Лойиҳа, ҚПМ лойиҳаси	Режалаштирилаётган фаолият – “Қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши” ЎМК лойиҳаси

Реципиент(лар)	Режалаштирилаётган фаолият таъсирига учраган, табиий ёки ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми (лари), хусусан: <ul style="list-style-type: none"> ● ўраб турган табиий муҳит ва унинг алоҳида таркибий қисмлари; ● аҳоли, алоҳида ижтимоий гуруҳлар; ● маданий мерос объектлари ва бошқалар
Трансчегаравий таъсирлар	У ёки бу давлатнинг юрисдикцияси остида бўлган худудда режалаштирилаётган фаолият сабабли юзага келадиган нафақат глобал характердаги, балки ҳар қандай таъсирлар бўлиб, унинг жисмоний манбаси тўлиқ ёки қисман бошқа давлат юрисдикцияси остида бўлган худудда жойлашган. (Ўрта Осий давлатлари учун трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича қайта кўриб чиқилган етакчи тамойиллари, ЕЭК БМТ, 2019 й.)
Ҳокимият	Шаҳар ёки туман маъмурияти

ҚИСҚАРТМАЛАР

АЖ	Акциядорлик жамияти
“ҮМК” АЖ	“Ўзбекистон металлургия комбинати” Акциядорлик жамияти
ҚПМ	Қуйиш-прокат мажмуаси
ХМК	Халқаро молиявий корпорацияси
АМИСТБ	Атроф-муҳитга ва ижтимоий соҳага таъсирни баҳолаш
АМСМ	Атроф-муҳитни, саломатлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича умумий йўриқнома
МТЎҲР	Манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳаракатлар режаси
ЙҚҚД	Йўл қўйиладиган концентрация даражаси
ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
СанПиН	Санитария қоида ва меъёрлари
ФД	Фаолият стандартлари
СМХ	Санитар-муҳофаза ҳудуди
ЖИМ	Жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассис

1 КИРИШ

1.1 Режалаштирилаётган фаолиятнинг қисқа тавсифи

«Ўзметкомбинат» АЖ – Ўрта Осиё минтақасидаги етакчи қора металлургия корхонаси. Қуйиш-прокат мажмуаси (келгусида - ҚПМ) бўлинмаларининг қурилиши ЎМК саноат майдончаларида, электр-пўлатэритиш цехи (ЭПЭЦ) ва 2-сон Навпрокат цехининг (НПЦ-2) бинолардан бўш участкаларида кўзда тутилган.

ҚПМ паст углеродли, паст легирланган сифатли ҳамда ўртача сифатли пўлатдан иссиқ зарб қилинган лист ўрамини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

1.2 Тарихий маълумот

“Ўзметкомбинат” АЖ – 1944 йилда ишга туширилган, Ўзбекистон Республикасидаги етакчи қора металлургия корхонаси.

Комбинат ривожланишининг асосий босқичлари 1.1 Жадвалда келтирилган.

1.1 Жадвал - “Ўзметкомбинат” АЖ ривожланишининг асосий босқичлари

Йил	Бўлинмаларнинг ишга туширилиши	Изоҳ
1944	Мартен цехи	05.03.1944 йилда биринчи ўзбек пўлати эритилган
1946	1-сонли Навпрокат цехи №1 (НПЦ-1)	
1962	Пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмаси	Пўлат қуювчи чўмичлар сифимининг ортиши орқали
1974	Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш цехи (ХИМИЧЦ)	
1978	Электр-пўлатэритиш цехи (ЭПЭЦ)	63 МВа ли трансформаторли, 100 т сифимли учта ДСП-100НЗА, 320×250 мм кесимли учта тўрт-оқимли радиал МНЛЗ лар таркибида
1984	2-сонли Навпрокат цехи №2 (НПЦ-2)	
2002	ЭПЕЦ (модернизация)	ДСП-100НЗА ни 550 минг т/йил ишлаб чиқариш қувватига эга ДСП-100УМК пўлатга комплекс ишлов бериш агрегатига алмаштирилган
2004	Шлак чиқитларни қайта ишлаш цехи (ШЧҚИЦ)	Корхонада ҳосил бўладиган шлакни қайта ишлаш учун ташкил этилган
2006	Рангли металл ишлаб чиқариш цехи (РМИЧЦ)	Лойиҳавий қуввати 4 минг т/йил бўлган, мис ва унинг эритмаларидан тасма ва тилимлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик цикли
2007	Пўлат сим цехи (ПСЦ)	Пўлатсим участкасидан қайта шаккллантирилган
2008	ЭПЕЦ (модернизация)	Ишлаб чиқариш қувватини 100 минг т/йилга ошириш ва ЭПЕЦ қувватини 950 минг т/йил гача етказиш орқали ДСП-100УМК печ трансформаторини алмаштириш, ДСП-100УМК газ тозалагичини реконструкция қилиш
2013	ЭПЕЦ (модернизация)	Ишлаб чиқариш қувватини 370 минг т/йил дан 850 минг т/йил гача ошириш орқали МНЛЗ №3 ни реконструкция қилиш
2014	Иссиқликни изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқариш цехи (ИИМИЧЦ)	
2014	Мартен цехи эксплуатациядан чиқарилган	Паст рентабелли ва хом ашъё ҳамда энергетик ресурслар сарфининг юқорилиги туфайли
2018	Ферроэритмалар ишлаб чиқариш цехи (ФИЧЦ)	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 09.01.2018 йилдаги №ПП-3468 РУ қарорига биноан
2019	СПЦ-2 “300” станица пўлат катанкасини ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 09.01.2018 йилдаги №ПП-3468 РУ қарорига биноан

Йил	Бўлинмаларнинг ишга туширилиши	Изоҳ
2020	“Ўзметкомбинат” АЖ нинг “Қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши” Техник-иқтисодий асоси (ТИА)	“Қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши. Техник-иқтисодий асос” ТИА, ГП «УкрГИПРОМЕЗ», Украина, Днепр ш. 2020 й.

1.3 Бошланғич маълумотлар

АМИСТБ материалларини тайёрлаш учун қуидаги бошланғич маълумотлардан фойдаланилган.

- ҚПМ лойиҳаси бўйича ҳужжатлар тўплами:
 - “Қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши. Техник-иқтисодий асос” техник ҳисоботи таркибида:
 - Тушунтириш хати, ГП «УкрГИПРОМЕЗ», Украина, Днепр ш. 2020 й.;
 - Maxsus ва молиявий бўлимлар, «SHARIF PROJECT CONSULTING» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси, 2020 й.;
 - Экологик бўлим, РИК «УзИНВЕСТПРОЕКТ» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси, 2020 й.;
 - “Ўзметкомбинат” АЖ базасида қўйиш-прокат мажмуасининг (ҚПМ)қурилиши сабабли “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва жойлаштириш” обьекти бўйича муҳандис-геологик ҳамда геофизик тадқиқотлар тўғрисида техник ҳисбот. «O'zGASHKLITI» DUK, 2019 й.
 - Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги “Ўзметкомбинат” АЖ нинг “Қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши” майдончасида сув пасайиши имкониятини ўрганиш бўйича ахборот ҳисботи. «УЗГИДРОГЕОЛОГИЯ» ДУК, 2019 й.
 - «Danieli & C. Officine Meccaniche SPA» компаниясининг ҳужжатлар тўплами;
 - Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги қўйиш-прокат мажмуаси қурилиши билан “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш қувватининг реконструкция қилиниши ва кенгайтирилишининг атроф-муҳитга таъсири (АМТТА лойиҳаси) (ложиҳани корректировка қилиш), «EKOLAB AUDIT» МЧЖ, 2020 й.;
 - Жорий ишлаб чиқаришнинг технологик схемалари, амалдаги цехлар технологиясининг тавсифи, технологик регламентлар;
- ЎМК нинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳавий ҳужжатлар тўплами ва инвентаризациялар материаллари;
- ижтимоий-иқтисодий статистик маълумот («Ўзстат» маълумотлари);
- бошқа ҳужжатлар тўпламлари;
- 2021 йилнинг октябрь – 2022 йилнинг апрел ойларида, АМИСТБ доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари;
- манфаатдор томонлар билан олиб борилган ишларнинг натижалари (фокус-гурухлар ва бошқалар билан).

2 ЛОЙИХА РЕЗЮМЕСИ

2.1 Қисқача таърифи

Ҳозирги кунда “Ўзметкомбинат” АЖ бир йилда 850 минг тонна пўлатни эритади ва 810 минг тонна тайёр қора металл прокатини ишлаб чиқаради.

Кўзда тутилаётган фаолият – паст углеродли, паст легирланган сифатли ҳамда ўртача сифатли пўлатдан иссиқ зарб қилинган лист ўрамини ишлаб чиқариш учун қуийш-прокат мужмуасини қуриш.

Мажмуанинг қуввати 1,093 млн тн/йил суюқ пўлатдан 1,040 т/йил тайёр прокатни ишлаб чиқариши ташкил этади. Комбинат кенгайтирилганидан сўнг эритиладиган пўлатнинг умумий ҳажми тахминан 1,94 т/йил ни ташкил этади.

ҚПМ нинг инфратузилмаси ЎМК нинг тегишли обьектлари билан бирлаштирилади (сув таъминоти, сувни чиқариш, электр энергияси таъминоти, иссиқлик таъминоти ва бошқа).

АМИСТБ тадқиқотларининг бошланиш вақтида ҚПМ нинг қўшма обьектлари турли ҳолатларда бўлган:

- узунлиги 1.2 км дан иборат бўлган, ЎМК га олиб кирадиган янги йўл – ишга туширилган;
- Сирдарё ИЭС дан бошлаб 23 км узунликдаги ЭУЛ – қурилиш ишлари якунланган, таянчлар ўрнатилган, монтаж амалиётлари бажарилган.

ЭУЛ ва автомобил йўллари билан боғлиқ АМИСТБ тадқиқотлари мазкур лойиҳаларнинг ҳақиқатда амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган.

Лойиҳанинг амалга ошиши «Credit Suisse AG» банки томонидан тақдим этиладиган кредитни жалб этиш орқали таъминланади.


“ЎМК” АЖ нинг конкурс танлови натижаларига кўра “ГК ШАНЭКО” (Россия Федерацияси) билан ҚПМ лойиҳаси учун мажмуавий АМИСТБ доирасида экологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилган. АМИСТБ доирасидаги ишларнинг бир қисми “Ekostandard Ekspert” МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси) субпудратчи ташкилоти томонидан бажарилган.

2.2 Жойлашуви

ЎМК нинг саноат майдончаси Тошкент вилоятида, Бекобод шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган. Комбинат ҳудуди шимоли-шарқдан, шарқдан ва жануби-шарқдан Тожикистон Республикаси давлат чегараси билан чегараланган.

Селитеб ҳудуди комбинат саноат майдончасидан ғарбий, шимоли-ғарбий ва жануби-ғарбий йўналишида жойлашган – турар жой биноларигача бўлган минимал масофа 50 м ни ташкил этади.

Корхона чегарасидан жануби-ғарбий томонда 250 м масофадан Сирдарё дарёси оқиб ўтади (2.1 расм).



2.1 расм – Кўзда тутилаётган фаолият ҳудуди. Муқобиллар таҳлили.

2.2.1 «Нолли вариант»

Дастлабки экологик ва ижтимоий баҳолаш босқичида “нолли вариант”га нисбатан ҚПМ қурилиши ва ишга туширилиши бўйича фаолиятни кўриб чиқишининг афзаллиги тўғрисида хulosа қилинган, “нолли вариант”ни батафсил равишда кўриб чиқилиши амалга оширилмайди.

2.2.2 ҚПМ ни жойлаштириш

ҚПМ ни бошқа (янги ажратилган) саноат майдончасига қурилиши қўйидагилар орқали амалга оширилади:

- янги ер участкаларига ҳуқуқ олиш зарурати – ҚПМ ва инфратузилма обьектларини жойлаштириш участкалари¹;
- мажмуа майдончаси ва инфратузилма учун ерларни олиш – йўллар, муҳандислик коммуникациялари ва бошқалар;
- муҳандис-техник ва кўмаклашувчи хизматларнинг атроф-муҳитга қўшимча таъсири. ҚПМ ЎМК ҳудудига жойлаштирилганда мажмуа обьектларига ЎМК нинг мавжуд бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатилиши сабабли, алоҳида саноат майдончаларига жойлаштирилиш ўз хизматларини яратишни талаб этади, бу эса

¹ ҚПМ ни ЎМК участкасига жойлаштиришда ерларни олиш фақат қўшма обьектлар учун кўзда тутилган (автомобил йўли ва ЭУЛ).

ресурслардан, аввало ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қиласи;

- алоҳида СМХ ташкил этиш зарурати.

Шундай қилиб, бошқа тенг шароитларда лойиҳалаштирилаётган ишлаб чиқаришнинг муқобил жойлашувлари унчалик афзал вариант эмас.

2.2.3 Технологик ечимлар

«УкрГИПРОМЕЗ» томонидан ТИА ни ишлаб чиқишида ўрамлардаги иссиқ зарб қилинган пўлат листи прокатини ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг қўйидаги вариантлардаги солиштируви амалга оширилган:

- вариант №1 «Danieli & C. Officine Meccaniche S.P.A.» компанияси (Италия) QSPCOMPACT қурилмасида ўрамлардаги иссиқ зарб қилинган лист прокатини ишлаб чиқариш;
- вариант №2 «SMS group GmbH» компанияси (Германия) янги, бирлаштирилган CSP (ҚПМ) мажмуасида ўрамлардаги иссиқ зарб қилинган лист прокатини ишлаб чиқариш;
- вариант №3 «Primetals Technologies Austria GmbH» компанияси (Австрия) QUANTUM электр ёйли печи билан узлуксиз оқимда ўрамлардаги иссиқ зарб қилинган лист прокатини ишлаб чиқариш.

Кўриб чиқилган вариантларнинг афзаллик ва камчиликларини аниқлаш имконини берувчи технологик ечимларнинг батафсил солиштирма таҳлили 2020 йилдаги ТИА да келтирилган.

Мажмуани металл шихтаси билан таъминлаш учун ТИА да ёйли металл эритиш печи (келгусида - ЁМП) ишининг учта варианти кўриб чиқилган:

- вариант №1 – 100% металлолом уюмида;
- вариант №2 – 50% металлолом уюмида ва 50% иссиқ брикетланган темир (келгусида - ИБТ);
- вариант №3 – 70% металлолом уюмида ва 30% ИБТ.

ЁМП да пўлатни эритишда металл шихтасининг муайян таркибидан фойдаланиш пўлатнинг маркали таркибидан ва корхонадаги металлоломнинг ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади.

Металлоломнинг танқислиги ва қимматлиги, унинг сифатининг ёмонлашуви (рангли металлар улушининг кўпайиши, уйма зичликнинг камайиши ва бошқа), шунингдек, кўшимча равишда қайта ишлаш ва саноатда фойдаланиш даражасига қадар олиб келиш, бир неча марта уюмлаш жараёнини амалга ошириш зарурати пўлат ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этади (эртиш вақтининг чўзилиши, электр энергияси, ўтга чидамли ва ёқилғи материаллари харажатларининг ортиши).

Шундай қилиб, технологик муқобиллар асосий ускуналар қисмида ҳам, фойдаланиладиган хом ашъё қисмида ҳам тўлиқ кўриб чиқилган ва бунинг асосида қўйидаги хulosаларга келинган.

1. Кўриб чиқилаётган технологияларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг ва ҚПМ си ускуналарини “ЎМК” нинг бош режасида жойлаштириш имкониятларининг солиштирма таҳлили мажмуа қурилишини Италиянинг “Даниэли” фирмаси томонидан ускуналарнинг етказиб берилиши ва унинг технологияси бўйича амалга ошириш афзал эканини кўрсатди.

2. Эритиладиган пўлатнинг сортаменти ва сифатга бўлган талабни, шунингдек, таркибида темир бўлган бирламчи хом ашъёдан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда, ЁМП да пўлатни эритиш пайтида эритмани шихталаш №2 вариант (50% металлолом ва 50% ИБТ) бўйича амалга оширилади, бу эса қуидагиларни таъминлайди:

- талаб этилаётган сифатдаги “тоза” пўлат ишлаб чиқариш имкониятини;
- уюмдаги металл шихтаси зичлиги ортишини;
- уюмлар сонининг қисқаришини ва энергия истеъмоли камайишини.


ҚПМ нинг асосий (металлургик) ва қўшимча (сув таъминоти, ифлосланган оқимларни тозалаш, айланма циклларни ташкил этиш) ускуналарининг АМИСТБ ни ўтказиши жараёнида кўриб чиқилган техник характеристикалари асосида шундай хуносага келиш мумкинки, режалаштирилаётган фаолият асосан фойдаланиш мумкин бўлган энг яхши технологияларни қўллашни кўзда тутади.

2.2.4 Транспорт

ҚПМ ни ишга туширилиши билан умуман олганда “ЎМК” АЖ бўйича темир йўл транспорти орқали четга жўнатиладиган юкларнинг ҳажми ортади.

“Ўзметкомбинат” АЖ нинг янги логистика маркази терминалларининг иш бажариш салоҳиятини тадқиқ қилиш натижаларига кўра, юқ оқимларининг олдиндан тахмин қилинган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислиги институти томонидан 2020 йилда “ЎМК” АЖ темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришни кўзда тутадиган режа тайёрланган. ЎМК саноат майдончалари чегарасидаги мазкур тадбирларни алоҳида лойиҳа бўйича амалга ошириш кўзда тутилган.

Бекобод шаҳрининг бош режасида (2010 й.) темир йўл линиясини турар жой бинолари жойлашган ҳудуддан чиқариш, “Жанубий айланма йўли”ни ва комбинатнинг жанубий қисмидан олиб кирувчи темир йўл линиясини қуриш таклиф этилган (2.2 расм).



2.2 расм – ЎМК ҳудудида темир йўл линиясини қайта қуриш бўйича қарор (Бекобод шаҳри бош режаси материяллари асосида, 2010 й.²)

Шуниси аниқки, “Жанубий айланма йўли” бўйлаб ҳаракатнинг тикланиши темир йўл транспортининг турар жой биноларига нисбатан салбий таъсирини камайтиради,

² <https://dshk.uz/uz/main?p=null&lat=41.77950486590359&lng=62.24853515625001&z=6&t=20>

бироқ мазкур вариантнинг молиялаштириш манбаси, муддатлари ва амалга ошириш шартлари ҳозирча аниқланмаган, экологик ва ижтимоий баҳолаш учун бошланғич маълумотлар мавжуд эмас.

2.3 Ерларнинг мақоми ва улардан фойдаланиш

ҚПМ ни ЎМК нинг саноат майдончасига, бинолардан холи бўлган умумий майдони 32.85 га дан иборат участкага қуриш кўзда тутилган. ҚПМ обьектларини жойлаштириш учун худуднинг вазифаси ўзгариши ва ерларнинг худудий жиҳатдан тарқоқ ҳолга келиши талаб этилмайди.

2.4 Қўшма обьектлар

ХМК нинг ФС-1 стандартига кўра қўшма обьектлар – булар лойиҳа доирасида молиялаштирилмайдиган ва агар лойиҳа амалга оширилмаганда қурилмайдиган ёки кенгайтирилиши рёжалаштирилмаган, уларсиз лойиҳа яроқсиз бўладиган обьектлар.

ҚПМ лойиҳасининг қўшма обьектлари (loyiҳalari) ЎМК га олиб кирадиган узунлиги 1,2 км бўлган йўл ва 23 км узунлиқдаги ЭУЛ ҳисобланади.

2023 йилнинг июнь ойи ҳолатига қўшма обьектлар қурилган ва ишга туширилган (автомобил йўли) ёки ишга туширишга тайёрланмоқда (ЭУЛ).

3 МАНФААТДОР ТОМОНЛАР БИЛАН КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР

3.1 Консультациялар ва АМИСТБ бўйича маълумотларни етказиш

Лойиҳанинг манфаатдор томонларини аниқлаш кўзда тутилган фаолият худудини тадқиқ этиш, камераль тадқиқотлар ва худудий ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирламчи консультациялар натижалари бўйича дастлабки экологик ва ижтимоий баҳолаш бўйича Ҳисоботни (Scoping report) тайёrlаш босқичида белгиланган.

2021 йилнинг октябрь ойида Лойиҳанинг қуийидаги манфаатдор томонлари билан консультациялар серияси ўтказилган:

- Бекобод шаҳри ҳокимияти;
- Тошкент вилоятининг Бекобод тумани ҳокимияти;
- Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани ҳокимияти;
- Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри ҳокимияти;
- Бекобод шаҳри ҳамда Бекобод туманининг Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бошқармалари;
- Бекобод шаҳри ҳамда Бекобод туманининг, шунингдек, Боёвут туманининг Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармалари;
- Бекобод шаҳрининг Санитар-эпидемиологик назорати маркази;
- Бекобод туманининг ўрмон хўжалиги;
- Бекобод ва Боёвут туманларининг фермерлар уюшмаси;
- Муқимий, Металлург, Сайхун ва Ўзбекистон маҳаллалари.

Консультациялардан Лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни етказиш, АМИСТБ нинг тартиб-таомилини тушунтириш, бошланғич маълумотларнинг сўрови, ўзаро боғлиқ лойиҳаларни, манфаатдор томонлар ва уларнинг манфаатларини аниқлаш, шунингдек, Лойиҳани амалга оширилиши туфайли хавотир келтириб чиқарадиган масалаларни тушуниш учун фойдаланилади.

Аҳолининг саломатлиги ва хавфсизлиги хавотир уйғотади, унинг ижтимоий заиф ва ҳимояланмаган қатламларига Лойиҳанинг натижаларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш долзарб ҳисобланади.

Дастлабки экологик ва ижтимоий баҳолаш бўйича Ҳисоботда саналарнинг, иштирокчиларнинг ва дастлабки консультациялар жараёнида кўтарилган асосий масалаларнинг шархи тақдим этилган. Барча тадбирлар “ЎМК” АЖ ва Лойиҳа консультантлари иштирокида, шахсий учрашувлар шаклида ўтказилган.

Консультацияларнинг иккинчи босқичи 2021 йилнинг декабрь ойида ўтказилган.

Дастлабки ижтимоий тадқиқотлар даврида қуийидаги консультациялар ўтказилган:

- Муқимий, Металлург, Сайхун, Ўзбекистон ва Тараққиёт маҳаллалари вакиллари билан фокус гуруҳли учрашувлар (аёллар, ёшлар, лойиҳа худуди аҳолиси). Мазкур маҳаллалар лойиҳани бирламчи баҳолаш босқичида маъмурий органлар ва комбинатнинг масъул вакиллари билан ўтказилган консультациялар жараёнида комбинат чегарасидан 1000 м худуддаги аҳоли яшаш пунктлари сифатида аниқланган;

- қўшма объектлар қурилиши туфайли хўжаликлари зарар кўрган фермерлар билан чуқурлаштирилган интервьюолар – ЎМК дан Р-20 трассасигача бўлган 1.2 км йўл ва Сирдарё РГЭС дан ЎМК “Металлургия” подстанциясигача бўлган 23 км ли ЭУЛ 220/110 кВ. (ерларни олиш тартиб-таомиллари ва компенсациялар тўланиш фактларининг текшируви ўтказилган);
- Лойиҳанинг таъсир ҳудудида жойлашган МФЙ раислари билан чуқурлаштирилган интервьюолар.

3.1 Жадвалда фокус-гуруҳ мунозараларининг рўйхати келтирилган.

3.1 Фокус-гуруҳлар рўйхати

№ п/п	Сана	Вилоят	Туман/маҳалла	Иштирокчи лар сони	Иштирокчилар
1.	9 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод/ Сайхун	9	Маҳаллий ҳамжамиятдаги эркаклар
2.	9 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод/ Ўзбекистон	9	Маҳаллий ҳамжамиятдаги аёллар
3.	9 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод/ Металлург	6	Маҳаллий ҳамжамиятдаги эркаклар
4.	9 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод/ Тараққиёт	9	Маҳаллий ҳамжамиятдаги эркаклар
5.	9 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод/ Муқимий	8	Маҳаллий ҳамжамиятдаги эркаклар
6.	10 Декабрь 2021 й.	Тошкент вилояти	Бекобод	5	Зарар кўрган фермерлар (2 та аёл ва 3 та эркак)
7.	10 Декабрь 2021 й.	Сирдарё вилояти	Боёвут	5	Зарар кўрган фермерлар (5 та эркак)
Жами				51	

Умуман олганда, фокус-гуруҳ респондентлари лойиҳа тўғрисида етарлича ижобий фикрларни билдириллар. Фокус-гуруҳда иштирок этган маҳаллалар аҳолиси ҚПМ ишга туширилиши сабабли қўшимча иш ўринлари яратилиши ҳисобига кейинчалик ёшлар ва ишга лаёқатли ишсизлар учун ишга жойлашиш бўйича қўшимча имкониятлар пайдо бўлишига ишонч билдиришмоқда ва кутишмоқда. Улар ЎМК томонидан лойиҳа ҳудуди аҳолиси ва аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳининг ишга жойлашиши учун квота ажратилишига умид қилмоқдалар.

Ҳудуд аҳолисининг асосий хавотирлари ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ, консультациялар иштирокчиларининг сўзларига кўра, ҳозирданоқ баъзан кечаси комбинат томондан ёқимсиз ҳид сезилади, сариқ тутун кўриниб туради. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши атроф-мухитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам хавотирлар билдирилган.

Фокус-гуруҳларда келтирилган фикрларга кўра, ноқишлоқ хўжалик ёки тижорий даромадлар (маҳаллалардаги иш, идора иши, пенсиялар, нафақалар, бозорлардаги ишлар ва бошқалар) маҳаллий аҳоли (маҳалла аҳолиси) учун асосий ва ягона даромад манбалари ҳисобланади.

ЭУЛ ва йўллар каби қўшма объектлар қурилиши даврида ерлари зарар кўрган Бекобод ва Боёвут туманлари фермерлари билан фокус-гуруҳлар ўтказилганда лойиҳа фаолиятига турлича баҳолар олинган.

Респондентларнинг лойиҳага нисбатан ижобий ёндашмаганларининг асосий сабаби шундан иборат бўлганки, мазкур объектларнинг қурилиши пайтида мулклар ва ҳосил салбий таъсирга учраган бўлиб, булар дастлабки мустақил баҳолашда ҳисобга олинмаган.

Мазкур фикрлар сабабли Консультант томонидан лойиха фаолияти доирасида ерларнинг олиниши ва компенсациялар тўланиши масалалари бўйича Ижтимоий аудит жараёни ташкил этилган.

Фокус-гурухнинг барча иштирокчилари ўзбек тилида қисқача ижтимоий-иқтисодий сўровнома тўлдирганлар. Жамоатчиликдан, фермерлардан, жумладан 18 нафар аёллардан жами бўлиб 51 та сўровнома олинган.

Шунингдек, лойиха фаолияти туфайли зарап кўрган барча фермер хўжаликлари вакиллари билан ерларнинг олиниши ва компенсациялар тўланиши масалалари бўйича чуқурлаштирилган интервьюлар ўтказилган.

Маълумотларни етказиш бўйича 2021 йилнинг октябрь-декабрь ойларида амалга оширилган тадбирларнинг қисқача характеристикаси 3.2 Жадвалда тақдим этилган.

3.2 Жадвал. Маълумотларни етказиш бўйича тадбирлар

Тадбирлар	Натижа
АМИСТБ тадқиқотлари дастури тўғрисидаги Ҳисоботни эълон қилиш	<p>Лойиҳавий ҳужжатлар рус ва инглиз тилларида тайёрланган.</p> <p>Маълумотларни етказиш АМИСТБ тадқиқотлари дастури тўғрисидаги Ҳисобот берилганидан кейин ўн кун ичida Буюртмачининг веб-сайти орқали амалга оширилган. Сайтда ЎМК масъул вакилининг контакт маълумотлари кўрсатилган (e-mail, манзили, телефон рақами).</p> <p>АМИСТБ тадқиқотлари дастури тўғрисидаги Ҳисобот босма кўринишда МФЙ раисларига ҳам юборилган</p>
АМИСТБ тадқиқотлари дастури тўғрисидаги Ҳисобот бўйича шархлар ва таклифларни қабул қилиш	<p>Шархлар ва таклифларни йиғиш 2021 йилнинг 23 декабряга қадар давом этган.</p> <p>Буюртмачи хисоботни эълон қилиш даврида манфаатдор томонлардан бирорта ҳам шархлар ёки таклифлар келиб тушмаганини Консультантга ёзма равишда тасдиқлаган</p>

3.1.1 Лойиҳани амалга ошириш даврига режалаштирилган консультациялар

МТЎҲР да лойиҳанинг бутун амалга ошириш цикли давомида, жумладан қурилиш ва эксплуатация босқичларида манфаатдор томонлар билан доимий ўзаро ҳаракатлар кўзда тутилган.

Тадбирлар, зарур ҳолларда маҳалла вакиллари билан консультацияларни, қурилиш бошланиши ва якунланиши каби асосий босқичларида маҳаллий аҳолига маълумотларни етказишни, веб-сайтдаги ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотларнинг мунтазам равишда янгиланиб туришини, МТЎҲР нинг янгиланишини ва лойиҳа бўйича ийллик ҳисоботни ўз ичига олади.

3.1.2 Маҳаллий аҳолини жалб этиш дастурлари

Ҳозирги вақтда лойиҳа маҳаллий жамиятларнинг манфаатларини аниқлаш ва уларни бевосита манфаатдор томонга айлантириш учун улар билан барқарор ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорлик имкониятини ошириш учун ЎМК га қўйидагилар тавсия этилади:

- барча Манфаатдор томонларга ҚПМ фаолияти тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотни етказиш.
- ҳудуд аҳолисини (жумладан аёлларни, ёшларни, аҳолининг ижтимоий заиф гурухлари вакилларини) ўқитиш дастурини, ишга ёллашнинг шаффоф тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

- манфаатдор томонлар билан мунтазам равишда ўтказиладиган консультациялар асосида ижтимоий инвестициялар дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш.
- ҚПМ фаолиятида кичик ва ўрта бизнеснинг иштирокига кўмаклашиш ҳамда худудда ижтимоий шерикчилик чора-тадбирларини амалга ошириш.

3.2 Лойиҳа бўйича шикоятларни кўриб чиқиш механизми

Умумий сиёsat сифатида, таъсирларни юмшатиш (АМИСТБ ҳамда ESMP да белгилангани каби) бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва аҳоли билан алоқалар бўйича мутахассислар билан доимий ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан шикоятлар пайдо бўлишига олиб келадиган сабабларни бартараф этиш устида “ЎМК” АЖ фаол иш олиб боради.

Ҳар қандай шахс, агар унинг фикрига кўра қўлланилаётган амалиёт ижтимоий ёки табиий муҳитга, ёхуд турмуш сифатига ноxуш таъсир кўрсатадиган бўлса, Лойиҳага нисбатан шикоят ёки мурожаат йўллаши мумкин. Манфаатдор томонлар шунингдек, ўз шархлари ва таклифларини ҳам тақдим этишлари ҳам мумкин.

3.2.1 Махфийлик ва анонимлик

Буюртмачи томонидан йиллик ҳисботни тайёрлашда махфийликни таъминлаш (тегишли сўровга кўра) ва анонимликни кафолатлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Жисмоний шахсларга тегишли персонал маълумотларни ошкор этиш фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Текширувлар жабрланувчи томонга нисбатан хурмат ва махфийлик тамоилларига амал қилган ҳолда ўтказилади. Жабрланувчи томон муайян вазиятларда шахсий маълумотларни ошкор этиш заруратини тан олиши лозим ва Буюртмачининг вакиллари бундай вазиятларни аниқлайдилар ҳамда текширувни давом эттириш ва вазиятни изга солиш учун тегишли розиликни сўрайдилар.

3.2.2 Шикоятлар ва уларнинг ҳал этилиши тўғрисида ҳисбот

МТЎХР да батафсил кўриб чиқилган, шикоятларни кўриб чиқиш механизми лойиҳадан зарар кўрган ҳамжамиятлар, алоҳида шахслар, шунингдек, бошка манфаатдор томонларнинг шикоятларини, эътиrozларини қабул қилиш, тан олиш, текшириш ва кўриб чиқиш учун шаклланган восита ҳисобланади.

Мазкур механизмнинг мақсади – барча томонлар учун нисбатан арzon, адолатли ва самарали натижаларни берадиган кутилган, шаффоf ва ишончни қозона оладиган жараёнларни таклиф этиш. Бу шунингдек, ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун имконли бўладиган, гендер тенглика асосланган, инклузив ва маданий жиҳатдан мақбул жараённи таъминлашга йўналтирилади.

Манфаатдор томонлар билан ўзаро самарали ҳаракатлар ҳамжамиятлар ва манфаатдор томонлар билан ишончни шакллантиришга ҳамда конструктив муносабатларни сақлаб туришга, Лойиҳани ижобий қабул қилинишини рағбатлантиришга ва уни муваффақиятли тарзда ривожлантириш ҳамда амалга оширишга кўмаклашишга йўнатирилган.

3.2.3 Мурожаатлар билан ишлаш ва ҳисбот

Буюртмачи аҳоли ўз шикоят ва мурожаатларини бериши мумкин бўлган восита сифатида шахсий интернет-ресурсига <http://www.uzbeksteel.uz/> ва Лойиҳа тўғрисидаги маълумотни ёритиш учун алоҳида саҳифага эга <http://www.uzbeksteel.uz/ovos-i-ss/4874,.>

Шикоят ва мурожаатларни бевосита жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассисга (ЖИМ) ҳам йўллаш мумкин. ЖИМ га тегишли маълумотлар 3.3 Жадвалда кўрсатилган.

3.3 Жадвал. Жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассис

Кимга	ҚПМ нинг етакчи муҳандиси Кенжабоев Восит Валиевич
Манзили	Ўзбекистон Республикаси, 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1;
Телефон рақами	+ 998 90 336 33 13
Электрон почтаси	v.kenjabaev@uzbeksteel.uz

Шикоят ва мурожаатлар билан ишлашнинг асосий босқичлари олиш ва қайд этишни, тоифалашни, текширишни, жавоб, талаб/аппеляция тайёрлашни, жавобни тақдим этиш ҳамда шикоят/мурожаатни ёпишни кўзда тутади.

Олиш/қайд этиш: шикоят ва мурожаатлар шикоятларни рўйхатга олиш расмий тизимида қайд этилади, уни юритиш учун ЖИМ масъул бўлади.

Шикоятларни маҳсус бланкни (МТЎҲР Иловада тақдим этилган) тўлдириб ёзма шаклда, ЖИМ билан бевосита боғланган ҳолда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи вакили орқали ёки Буюртмачининг веб-сайти орқали электрон тарзда бериш мумкин.

ЖИМ мурожаатлар билан ишлаш бўйича тадбирлар тўғрисида тайёрлов босқичида ҳар ойда, қурилиш даврида ҳар ҳафтада ва эксплуатация босқичида бир йилда икки марта ҳисобот беради. Бунда у маҳфий маълумотни ҳимоялаш ва анонимликни кафолатлаш мақсадида шикоят берувчиларнинг шахсий маълумотларини кўрсатмайди.

Мазкур процедура бепул тарзда амалга оширилади ва Лойиҳа таъсирини ҳис этадиган шахсларнинг ҳамда бошқа манфаатдор томонларнинг ҳар қандай тарзда таъқиб этилишларига йўл қўймайди. Мурожаатлар билан ишлашнинг таклиф этилаётган процедураси МТЎҲР га Иловада схематик тарзда тақдим этилган.

Фуқароларнинг ва бошқа манфаатдор томонларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун масъул этиб ҚПМ нинг етакчи муҳандиси Кенжабоев Восит Валиевич тайинланган. Шархлар ва мурожаатларни қўйида кўрсатилган манзил бўйича йўллаш лозим.

4 ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ

4.1 Экологик таъсирлар

4.1.1 Атмосфера ҳавосининг сифатига таъсир

ҚПМ нинг қурилиши босқичида қурилиш машиналари ва транспорт воситалари, пайвандлаш ҳамда бўяш ишлари ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи манбалар ҳисобланади.

Бутун қурилиш босқичи давомида атмосферага 18 турдаги 327,826 т/йил ифлослантирувчи моддаларни чиқарилиши тахмин қилинаяпти, чиқариш қуввати - 12,040 г/с бўлади.

Атмосфера ифлосланишининг ҳисоб-китоби ЎМК нинг мавжуд ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи манбаларини ҳисобга олган ҳолда бажарилган. Моделлаштириш натижасида аниқланишича, Бекобод шаҳрининг турар жой бинолари жойлашган ҳудудларида Ўзбекистон Республикасида белгиланган концентрациянинг йўл қўйиладиган чекланган миқдоридан (КЧМ) ошиб кетиш ҳолатлари кузатилмаган, қурилиш даврида атмосфера ҳавосига бўладиган таъсир узоқ муддатли эмас, ифлосланиш ҳудуди турар жой чегараларидан ташқарида кузатилган. Қурилиш даврида атмосфера ҳавосига таъсир рухсат этилган даражада бўлади.

“Қуийш-прокат мажмуасининг қурилиши сабабли “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш қувватини реконструкцияси ва кенгайиши туфайли атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги Ариза (АМТТА)” нинг (2020 й.) маълумотларига кўра ҚПМ нинг лойиҳавий ечимларига нисбатан талабларни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштирилаётган ҚПМ нинг чиқинди манбаларидан атмосферага 18 хил ифлослантирувчи моддаларни чиқарилиши тахмин қилинаяпти. Ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори қўйидагича бўлади:

- ялпи чиқариш – 2402,917083 т/йил;
- бир марта максимал чиқариш – 93,428050 г/с.

ЎМК ва лойиҳалаштирилаётган ҚПМ нинг ишлаб чиқариш участкаларидағи 309 та манбадан чиқариладиган 55 турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори қўйидагича бўлади:

- ялпи чиқариш – 5135,396579 т/йил;
- бир марта максимал чиқариш – 222,108507 г/с.

Атмосферанинг кимёвий ифлосланишини моделлаштириш натижасида аниқланишича, лойиҳалаштирилаётган ҚПМ ни ишга туширилиши ЎМК яқинидаги ҳудудларда атмосферанинг сезиларли даражадаги ифлосланишига (0,1 КЧМ дан ортиқ) олиб келмайди.

ЎМК даги манбаларда чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ташламаларини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ва ҚПМ лойиҳасига нисбатан таклифлар инобатга олинадиган бўлса, ифлослантирувчи моддаларнинг СМХ чегаралари ҳамда турар жой ҳудудидаги максимал концентрацияси атмосферанинг ер усти қатламидаги ифлослантирувчи модданинг йўл қўйиладиган нормаси (“Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги Низом” да белгиланган квоталар, ЎзР ВМ Қарори билан тасдиқланган, 21.01.2014й. №14) бўйича талабларни ҳисобга олганда, атмосфера ҳавосининг сифати СанПиН РУз N 0293-11 да белгиланган меъёрлардан ошиб кетмайди.

ЎМК саноат майдончаси чегараларида барча ифлослантирувчи моддалар бўйича 1,0 КЧМ ифлосланиш ҳудуди локалланган.

Шунингдек, объектнинг ташламалари таркибида бўлган, атмосфера ҳавосини чиқиндиларнинг тарқалишини моделлаштириш AERMOD (US EPA) моделидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Моделлаштириш натижасида аҳолида сурункали канцероген ва канцероген бўлмаган, шунингдек, ўткир эффектларнинг миқдорий характеристикиси ҳамда уларнинг ташламалар таъсири ҳудудида тақсимланиши аниқланган.

Бутун тураг жой ҳудудида ва ЎМК нинг СМХ си чегараларида ифлослантирувчи моддаларнинг нафас олиш органларига бир йўналиши таъсири бўйича сурункали ҳавфи даражаси алоҳида моддалар учун ҳавф коэффициентлари (HQ) ҳамда ҳавфнинг умумий индекси (HI) бўйича рухсат этилган ҳавф даражаларидан паст.

Ҳавф даражасининг ўткир эффектлари йўл қўйиладиган катталиклардан сезиларли даражада паст (агар йўл қўйиладиган катталик – 3,0 бўлса, ҳавфнинг максимал индекси 0,37 га teng), ўткир таъсир асосан шлак chanги билан ифлосланишда аниқланган ($HQ=0,35$).

Селитеб ҳудуддаги (ЎМК нинг СМХ си чегарасида) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши аҳоли саломатлигига нисбатан ҳавфнинг бирорта кўрсаткичи бўйича ҳам йўл қўйиладиган даражалардан ортиб кетмайди.

4.1.2 Иқлим ўзгаришларини баҳолаш

Пўлат ишлаб чиқарувчилар Бутунжоҳон ташкилоти ҳисоботига кўра, иссиқхона газлари (ИГ) ташламаларининг жаҳон бўйича ўртacha кўрсаткичи 1 тонна пўлатга 1,85 тонна CO₂ эквивалентини ташкил этади. ҚПМни ҳисобга олган ҳолда ЎМКнинг солиштирма чиқиндиси 1068 минг тонна CO₂ / 2 млн. тонна пўлат, яъни 0,534 т/т даражасида баҳоланмоқда.

Технологик занжирда қазиш обьектларининг мавжуд эмаслиги сабабли ва саноат жараёнида иккиласми хом ашъё ҳамда чиқиндиларда фойдаланилиши сабабли ЎМК фаолияти натижасида юзага келадиган ифлослантирувчи газлар ташламаларининг кўрсаткичлари сезиларли даражада паст.

Комбинат фаолияти натижасида юзага келадиган ифлослантирувчи газлар ташламаларини баҳолаш 4.1 Жадвалда келтирилган.

4.1 Жадвал. Корхона фаолияти натижасида юзага келадиган ифлослантирувчи газлар ташламалари, CO₂ эквиваленти, минг тонна,

Характеристикалари	1 ва 2 қамровдаги ташламалар
ЎМК нинг жорий ташламалари	648
ҚПМ лойиҳаси билан боғлиқ ташламалар	420
ҚПМ лойиҳаси амалга оширилгандан кейин ЎМК нинг умумий ташламалари	1068

Ҳозирги вақтда ифлослантирувчи газларнинг катта қисми ишлаб чиқариш жараёнида табиий газдан фойдаланиш ва корхона учун асосий электр энергияси таъминотчиси ҳисобланган Сирдарё ИЭС да энергия генерацияси натижасида ҳосил бўлади.

Danieli компанияси томонидан ишлаб чиқилган ҚПМ технологик ечимлари дастлаб ИГ чиқиндиларни минималлаштириш заруратидан келиб чиқади. ҚПМ ИГ эмиссиясининг сезиларли ҳажмини, шунингдек, ушбу таъсирнинг кумулятив хусусиятини шакллантиришини ҳисобга олган ҳолда, ИГ эмиссиясини бошқариш бутун комбинатга

нисбатан шакллантирилиши керак, чунки бошқа ишлаб чиқаришлар ҳам “углерод изини” камайтириш учун маълум салоҳиятга эга.

Таклифларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, СПЦ-2 прокатлаш станининг қиздириш печини иссиқлик билан юклашни амалга ошириш учун энг мос ва амалдаги ЎМК ишлаб чиқаришининг энергия самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайдиган, шунингдек, ИГ эмиссиясини камайтиришни таъминлайдиган чоратадир сифатида қабул қилиш тавсия этилади. Янги ҚПМда прокат станининг қиздириш печини иссиқ юклаш “Danieli” компаниясининг лойиха ечимларида аллақачон кўзда тутилган.

Кўрсаткичлар йиғиндисига кўра, кокс газини утилизация қилишни ҳам ишлаб чиқишига қабул қилиш асосли кўринади.

TCFD методологиясини амалга ошириш иқлим ўзгаришининг ЎМК фаолиятига таъсирини назарда тутади. Ҳозирги вақтда комбинат иқлимга оид стратегияни ишлаб чиқиш босқичида, корхонада TCDF тавсияларини бажариш бўйича батафсил тавсиялар атроф-муҳитни, ижтимоий масъулиятни, хавфсизлик ва саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳаракатлар Режасида тақдим этилади.

4.1.3 Акустик таъсирлар

Акустик таъсирни баҳолаш ЎзР тасдиқлаган ГОСТ 31295.2-2005 қўлланмасидан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Стандарт ISO 9613-2:1996 Acoustics – Attenuation of sound during propagation outdoors – Part 2: General method of calculation билан ўйғунлаштирилган.

Шовқин таъсири ҳудудини баҳолаш ва уни ЖССТ Тавсияларига Guidelines for Community Noise, World Health Organization (WHO), 1999, мос келадиган, сутканинг кундузга ҳамда тунги вақтлари учун СанПиН 0267-09 томонидан аниқланган, йўл қўйиладиган даражалари билан солиштириш учун шовқинни ҳисоб-китоб қилиш бирликлари қабул қилинган.

Ҳисоб-китоб натижалари ХМК нинг АМСМ Йўриқномасида баён этилган мезонлар билан ҳам солиштирилган – Атроф-муҳит. 1.7 Шовқин. 2007 й.

ҚПМ қурилишидаги асосий шовқин манбалари – қурилиш машиналари, қўшимча механизmlар ва транспорт воситалари.

Ишлар жараёнида қурилиш машиналари ва механизmlаридан чиқадиган шовқин даражасини моделлаш амалга оширилган. Бошланғич маълумотлар сифатида аналог-объект, ЭМК “ВМЗ” АЖ (РФ) қурилиш босқичи қарорларидан фойдаланилган. Ҳисоб-китоб баҳолаши натижаларига кўра, қурилиш ишлари амалга оширилиши даврида ҳисоб-китоб нуқталаридаги ва ЎМК нинг СМХ си чегарасидаги шовқин даражаси СанПиН 0267-09 миллий санитар меъёрларига ҳамда ЖССТ нинг Йўриқномаларига мос келади, бу эса ХМК нинг талаблари бажарилганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда ЎМК нинг саноат майдончасида акустик вазиятни тахмин қилишда ҳисобга олинадиган, сезиларли шовқин манбалари жойлашган.

Кутилишича, ҚПМ ишга туширилганидан сўнг ускуналар ўрнатилган бинолар конструкцияларидан чиқадиган шовқин сезиларли акустик таъсир кўрсатади. Шунингдек, шамоллатиш тизимидан чиқадиган ҳаво оқими ва сўрувчи тизимлардаги ҳаво ташламаси ҳам шовқин манбалари ҳисобланади. Мавжуд темир йўллари ва автомобил йўллари бўйлаб ҳаракат жадаллигининг ортиши ҳам режалаштирилмоқда.

Моделлаш натижаларининг далолат беришича, ҚПМ ни ишга тушириш босқичида ҳисоб-китоб нуқталаридаги ва ЎМК нинг СМХ си чегарасидаги шовқин даражаси СанПиН

0267-09 миллий санитар меъёрларига ҳамда ЖССТ нинг Йўриқномаларига мос келади, бу эса ХМК нинг талаблари бажарилганидан далолат беради.

4.1.4 Чиқиндиларни юзага келиши билан боғлиқ таъсирлар

Хозирги кунда комбинатда чиқиндиларнинг 48 та тури чиқарилиб, улардан: 1 даражадаги чиқиндиларнинг (юқори даражада хавфли), 2 даражадаги чиқиндиларнинг (хавфли) 4 тури, 3 даражадаги чиқиндиларнинг (ўртacha хавфли) 12 турлари, 4 даражадаги чиқиндиларнинг (бироз хавфли) 18 турлари, 5 даражадаги чиқиндиларнинг (деярли хавфсиз) 13 турлари чиқарилади.

Ҳар йили 298 минг тонна атрофида чиқиндилар ҳосил бўлиб, улардан – 95,9% ишлаб чиқариш чиқиндилари, 4,1% қаттиқ майший чиқиндилардан иборат.

Корхонада чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш учун 20 та жой ва шлак чиқиндиларини жойлаштириш учун битта маҳсус майдонча ташкил этилган. 1 ва 2 хавф даражасидаги чиқиндилар вақтинча майдончада жойлаштирилади. Чиқиндилар кейинчалик утилизация қилиш учун шартнома бўйича ихтисослашган ташкилотларга берилади.

Чиқиндиларнинг асосий қисми шлак чиқиндилари бўлиб, шлак чиқиндиларини қайта ишлаш цехида (келгусида - ШЧҚИЦ) қайта ишланганидан сўнг улардан товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

2021 йилнинг декабрь ойида Консультантнинг сўрови бўйича бажарилган маркшайдер сурати натижаларига кўра, тўпланиб қолган шлакнинг ҳажми ва вазни 1 582 минг м3 (2 670 минг тонна) ни ташкил этади.

ШЧҚИЦ шлак тўпланадиган майдончада жойлашади, унинг ишлаб чиқариш қуввати 150 минг тонна/йил ни ташкил этади. Цех ускуналарини модернизация қилиш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида шлакни қайта ишлаш бўйича линиянинг унумдорлиги 20 фоизга ортади.

Шлакни қайта ишлашни корхона ҳамда “Альфа Майнинг” амалга оширади (у комбинатда, ШЧҚИЦ нинг яқинида жойлашган). Корхонанинг майдалаш-сараплаш ускунасининг белгиланган қуввати деярли 1000 минг тонна/йил ни ташкил этади.

Шундай қилиб, майдалаш-сараплаш ускунасининг имкониятлари ШЧҚИЦ ва “Альфа Майнинг” га “ЎМК” АЖ нинг жорий ҳамда истиқболдаги ишлаб чиқариш фаолиятида (ҚПМ ни ҳисобга олган ҳолда) металлургия шлакларини қайта ишлаш, шунингдек, яқин йиллар ичида тўпланадиган барча шлакларни қайта ишлашни таъминлайди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда комбинатда ҳар ойда 175 минг тоннагача ҳажмдаги қайта ишланмаган шлакни сотиш бўйича стратегик жиҳатдан фойдали бир неча шартномалар тузилган. Мазкур дастурни амалга ошириш шлак уюмлари эгаллаган майдонларни бир неча йил ичида тўлиқ бўшатиш имконини беради.

Бекобод тумани ҳудудидан фақат битта ҚМЧ ни жойлаштириш полигони ўрин олган бўлиб, полигоннинг жиҳозланиши экологик талабларга мос келмайди. “ЎМК” АЖ ва “Тоза ҳудуд” ДУК ўртасида № 17 чиқиндиларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун, амал қилиш мuddати 31.12.2022 йилгача бўлган №2-54-59/2022 сонли шартнома тузилган. “ЎМК” АЖ маълумотларига кўра, мазкур обьектнинг сифими тўлиш арафасида ва яқин истиқболда полигон ёпилиши мумкин.

“ЎМК” АЖ ҳудудида чиқиндилар утилизация қилиш ёки утилизация/зарасизлантириш учун юбориш истиқболларисиз тўпланиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда, масалан келиб тушаётган металлоломни саралашдан чиқадиган чиқиндилар, комбинг томонидан саноат ва қаттиқ майший чиқиндилар шахсий полигонини лойиҳалаштириш ва қуриш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Мазкур вариант амалга оширилган тақдирда, “ЎМК” АЖ ўзининг сармоядор ҳукуқидан фойдаланган ҳолда, полигоннинг талаб этиладиган характеристикаларини белгилаб бериши ва узоқ йиллар учун ўзининг ҚМЧ ва ҚМЧ билан бирга кўмишга рухсат

этилган, 4 ҳамда 5 хавф даражасидаги бошқа чиқиндилиарни жойлаштириш муаммосини ҳал этиши мумкин.

Умуман олганда, ҚПМ ишга туширилганидан кейин чиқиндиilar ҳосил бўлиш ҳажми ортишини тахмин қилиш мумкин, “ЎМК” АЖ да чиқиндиilar ҳосил бўлишининг умумий ҳажми 2 мартадан ҳам кўпроққа ортади, чиқиндилиарнинг номенклатураси сезиларли тарзда ўзгармайди.

Ишлаб чиқариш чиқиндилиарнинг номенклатура ва ҳосил бўлиш ҳажми бўйича каттагина қисмини корхонанинг ўзида технологик жараёнларда фойдаланиш йўли билан мавжуд технологик схемалар асосида утилизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Чиқиндилиарнинг қолган қисми “ЎМК” АЖ да мавжуд бўлган шартномаларга биноан ихтисослашган ташкилотларга иккиласмчи хом ашъё фойдаланиш учун сотилади ёки зарарсизлантириш учун берилади.

Амалдаги ишлаб чиқаришда ўз самарадорлигини намойиш этган, таъсиirlарни бартараф этиш бўйича муваффақиятли амалга оширилган ёндашувлар ҚПМ да фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чиқиндиilar билан ишлаш бўйича тадбирлар иерархияси қуидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- чиқиндиilar ҳосил бўлишини олдини олиш;
- чиқиндиilar ҳосил бўлиш ҳажмини қисқартириш;
- чиқиндилиардан қайта фойдаланиш;
- регенерация;
- чиқиндилиарни қайта ишлаш;
- чиқиндилиарни бутунлай йўқ қилиш.

Чиқиндиilar таъсирини юмшатиш (минималлаштириш) бўйича тадбирлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиilari сақланадиган майдонларни тартибга келтириш;
- шлақдан бўшаган майдончаларни тартибга солиш. Курилиш-режалаштириш нуқтаи назаридан – шлак ғаранини Далврзин каналининг сув муҳофаза зonasидан олиб ташлаш зарур бўлади. Шлақдан бўшатишни “ЎМК” АЖ нинг шарқий чегарасида жойлашган майдончалардан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда оғиши йўналишини Далварзин каналидан тескари томонга бўлишини таъминлаш зарур. Шлак чиқариб ташлангандан кейинги текисланган юзани гидроизоляция қопламаси билан қоплаш талаб этилади. Шлақларни жойлаштириш майдончаларидан йигилган оқимларни янги лойиҳалаштирилган тозалаш иншоотларига йўналтирилади, у ерда оқимларни меъёрий талабларгача ёки технологик меъёrlар талабларигача тозалаш таъминланиши лозим;
- майдончаларни “ЭПЭЦ печ бўлими газ тозалагичининг чанги” чиқиндисидан бўшатиш. Майдонча рекультивацияси;
- майдончани металл тўпони чиқиндисидан бўшатиш. Майдонча рекультивацияси;
- майдончани келиб тушаётган металломоломни саралашдан ҳосил бўладиган чиқиндиidan бўшатиш. Майдонча рекультивацияси.

Компенсация чора-тадбирлари тўпланиб қолган ишлаб чиқариш чиқиндилиарини қайта ишлаш ва/ёки бу чиқиндиilarни тегишли технологияларга ва фаолият юритиши рухсатномасига эга ташкилотларга утилизация қилиш, зарарсизлантириш,

жойлаштириш (атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда) учун беришни ўз ичига олади.

4.1.5 Ер усти сувларига таъсир

Қурилиш босқичида лойиҳалаштирилаётган тармоқларни “ЎМК” АЖ нинг мавжуд водопровод тармоқларига улаш орқали сув таъминотини йўлга қўйиш кўзда тутилади. Оқимларни корхонанинг ишлаб чиқариш-қўйилиш ва майший канализация тизимларига ҳамда мавжуд тозалаш иншоотларига йўналтириш режалаштирилмоқда.

Қурилиш босқичида қурилиш майдончасида ҳосил бўлган қўйилиш оқимларини “ЎМК” АЖ нинг тозаланган ишлаб чиқариш-қўйилиш оқова сувлари билан бирга сув объектига буриш оқибатида Сирдарё дарёсига жуда кичик билвосита таъсир тахмин қилинмоқда (№ 1 чиқариш қувури).

Эксплуатация босқичида “ЎМК” АЖ нинг тозаланган ишлаб чиқариш-қўйилиш оқова сувлари таркибидаги, объектнинг ишлаб чиқариш-қўйилиш оқимларини буриш оқибатида Сирдарё дарёсига билвосита таъсир тахмин қилинмоқда (№ 1 чиқариш қувури).

Лойиҳалаштирилаётган фаолиятнинг Далварзин каналига сезиларли равища таъсир этиши тахмин қилинмаяпти, чунки ҚПМ яқинидаги ҳудудлардан чиқариб ташланаётган дренаж сувлари тўлиқ ҳажмидан комбинатнинг ишлаб чиқариш сув таъминоти учун фойдаланиш режалаштирилмоқда.

ХМК нинг тавсияларига кўра, тоза ва такороран фойдаланиладиган сувни умумий ҳажмининг 90% гача миқдори ўрнига корхонада оқова ҳамда дренаж сувларидан фойдаланиш улушини ошириш бўйича режалаштирилаётган тадбирларни амалга ошириш орқали Далварзин каналига оқимлар тушиши сабабли юзага келадиган таъсирни юмшатишга эришилади.

Сирдарё дарёсига бўладиган салбий таъсирни юмшатиш ва истиқболда бартараф этиш учун барча специфик моддалар бўйича экологик меъёрларга эришиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Далварзин каналининг ҳудудида чекланган фаолиятни таъминлаш учун келгусида фойдаланиш учун яроқли бўлган маҳсулотларни олиш орқали палахса бўлиб тўпланиб қолган шлакларни қайта ишлаш тавсия этилади (корхонада қайта ишлаш ёки қурилиш хом ашъёси сифатида сотиш).

Сиртқи оқимларни шлак палахсалари участкасидан қўйилиш канализация тизимиға буриш учун палахсалар орасидан оқимларни тартибсиз равища каналга тушиш йўналишидан қарама қарши томонга қаратилган ўйиқларни ҳосил қилиш кўзда тутилиши лозим.

Шлак палахсаларига ишлов бериш яқунланганидан сўнг бўшаган майдонларга гидроизоляция ётқизиш тавяиф этилади, бу ер ости сувларини қолдиқ чиқиндилардан ҳимояланишини таъминлайди.

4.1.6 Ер ости сувларига таъсир

Қурилиш босқичида ер ости сувларига тўғридан-тўғри таъсир тахмин қилинади, айнан – қурилиш ишлари туфайли ер ости сувлари горизонтининг очилиб қолиши, ийғилган сувларни насос қурилмаси ёрдамида тортиб чиқариш ва уларни комбинат тармоғига буриш сабабли тартибнинг ўзгариши.

Умуман олганда, Бекобод шаҳри ҳамда ЎМК нинг саноат майдончаси учун сув босиш ҳолатлари хос эканини ҳисобга олган ҳолда, сув сатхини пасайтириш бўйича лойиҳавий ечимлар қурилиш ишларининг хавфсиз шароитларини ва аллювиаль-

пролювиаль қатламларнинг сув оқиш горизонти учун салбий таъсирлар бўлмаслигини таъминлайди.

Қурилиш майдончасини чиқиндилар билан ифлосланишини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар, ёқилғи-мойлаш материалларининг тўкилишини олдини олиш бўйича кўрсатмалар, техник жиҳатдан соз қурилиш техникалари, ускуналари автотранспортдан фойдаланиш ер ости сувларининг ифлосланишини ва бу билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олади.

ҚПМ ни ишга тушириш босқичида ҚПМ участкасини сув босиши ва кейинчалик барраж (тўсиқ) эфекти юзага келиши ҳам истисно қилинмайди.

Ер ости сувларига билвосита таъсир шлакни вақтинчалик майдончаларга жойлаштириш, ЁММ нинг, технологик суюқликларнинг тўкилиши, носоз автотранспорт ва/ёки ускуна ва механизмлардан фойдаланиш натижасида ер ости сувларининг ифлосланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ер ости сувларига нисбатан таъсирлар ва улар билан боғлиқ оқибатларни кўриб чиқиш натижасида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади.

- Қурилиш босқичи:
 - қурилиш майдончаларини сув пасайтириш ва сувни бошқа томонга буриш тизимлари билан жиҳозлаш;
 - оқова сувларнинг, жумладан ёмғир сувлари ва муздан эриган сувларнинг барча турларини бошқа томонга буриш ҳамда тозалаш;
 - қурилиш пудратчилари учун нефть маҳсулотлари тўкилишини олдини олиш Режасини тайёрлаш, персонални ўқитиш;
 - машина ва механизмларга ёқилғи қўйиш учун маҳсус жиҳозланган жойларни тайёрлаш (зарурат туғилганда уларга қурилиш майдончасининг ўзида ёқилғи қўйиш);
 - автотранспорт, машиналар ва механизмлар барча турларининг ҳолатини назорат қилиш;
 - чиқиндиларни хавфсиз тарзда вақтинчалик сақлаш (тўпланиши) учун маҳсус жиҳозланган майдончаларни ташкил этиш;
 - ЁММ нинг ва/ёки бошқа суюқликларнинг тўкилиб кетиши оқибатларини тезкор равишда бартараф этиш учун қурувчи пудратчи ташкилотларни керакли материаллар билан таъминлаш.
- Эксплуатация босқичи:
 - ишлаб чиқариш сув таъминоти учун дренаж сувларини йиғиш орқали сув пасайтиргич тизимни (дренаж қудуқларини) жиҳозлаш ва ишга тушириш;
 - ер ости ва ер усти сувлари ифлосланишини олдини олувчи, вақтинчалик шлак тўпланадиган майдончаларни жиҳозлаш;
 - ҚПМ майдончасини қуйилувчи канализация билан жиҳозлаш;
 - оқова сувларнинг барча турларини йиғиш, бошқа томонга буриш ва тозалаш;
 - нефть маҳсулотлари тўкилишини олдини олиш Режасини тайёрлаш, персонални ўқитиш;
 - сув элтувчи коммуникациялар ҳолатини назорат қилиш;

- чиқиндиларни хавфсиз тарзда вақтингачалик сақлаш (түпланиши) учун маҳсус жиҳозланган майдончаларни ташкил этиш;
- автотранспорт, машиналар ва механизмлар барча турларининг ҳолатини назорат қилиш;
- ЁММ нинг ва/ёки бошқа суюқликларнинг тўклилиб кетиши оқибатларини тезкор равишда бартараф этиш учун ҚПМ бўлинмаларини керакли материаллар билан жиҳозлаш.

4.1.7 Тупроқ қопламасига таъсир

ЎМК саноат майдончасида ва ҚПМ участкасида табиий тупроқ қопламаси мавжуд эмас.

Қурилиш майдончаларида тупроқ қопламаси мавжуд эмаслиги сабабли ҚПМ участкасига нисбатан таъсир кўзда тутилмаяпти.

Тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг ифлосланиши чиқиндиларни ноўрин түпланиб қолиши, ЁММ ни сақлаш ва улардан қилиш қоидаларига амал қилинмаслиги, ёқилғи мойлаш материалларининг тўклилиши, носоз қурилиш техникасидан, ускуна ва автотранспортдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ҚПМ ни эксплуатация босқичи хос бўлган, тупроқ қопламасига таъсирнинг ягона тури – комбинат яқинидаги худуд тупроғининг аэроген ифлосланиши ҳисобланади.

Мазкур билвосита таъсирнинг жадаллигини ҚПМ мавжуд обьектларининг ишга туширилиши, шлак палахсаларининг чангиши, бошқа коммунал ёки ишлаб чиқариш обьектларининг ва транспортнинг таъсири билан, шунингдек, муаллақ моддаларни табиий шамол орқали тарқалиши таъсири билан боғлиқ, тупроқнинг аэроген ифлосланиши билан таққослаш мумкин.

ҚПМ участкасида ва қурилиш босқичида тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг ифлосланиши чиқиндиларни ноўрин түпланиб қолиши, ЁММ ни сақлаш ва улардан қилиш қоидаларига амал қилинмаслиги, ёқилғи мойлаш материалларининг тўклилиши, носоз қурилиш техникасидан, ускуна ва автотранспортдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ҚПМ майдончасини чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик бўйича огоҳлантирувчи чора-тадбирлар, ёқилғи мойлаш материалларининг тўклилишини олдини олиш бўйича ҳаракатлар, соз ҳолатдаги техника, ускуна ва автотранспортдан фойдаланиш қурилиш босқичида ҳам, эксплуатация босқичида ҳам тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг ифлосланиши ва бу билан боғлиқ оқибатларнинг (масалан, ер усти сувларининг ифлосланиши, ифлослантирувчи моддаларнинг ер ости сувлари оқими билан ҳаракатланиши ва ш.к) олдини олади.

Атмосфера ҳавосини кимёвий ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ЎМК яқинидаги участкалар тупроқ қопламасининг аэроген ифлосланиши даражасини минималлаштиришга эришиш мумкин.

4.1.8 Ўсимлик дунёсига таъсир

ҚПМ майдончаси ўсимлик қопламаси мавжуд бўлмаган саноат ландшафтини ўзида акс эттиради, ўсимликларга нисбатан бевосита таъсир ҳавфи йўқ.

ЭУЛ трассаси асосан селитеб ландшафтлар орқали ва экинлар (пахта ва буғдой далалари, боғлар) ҳамда ўт босган синантроп ўсимликлардан иборат агроландшафт орқали ўтади, фақат 1 км дан камроқ узунлиқдаги участкада Сирдарё дарёси

қирғоқларидаги бутазор, тұқайзор ва баъзи жойларда шүрсевар ўсимликлардан иборат табиий биотопга таъсир этади.

Текширувда аниқланышича, ЛЭУ қурилиши тұқайзорларга ва *Climacoptera amblyostegia* (Климакоптера тупоприцветничковая) – Ўзбекистонда “камёб тур” мақомы билан Қизил китобга киритилган субэндемик турдаги ўсимликка зарар етказмаган.

ХМК нинг ФС-6 п.16 талабларига мувофиқ үтказилган таҳлил шуни күрсатдикі, *Climacoptera amblyostegia* ни фаолият кўзда тутилаётган ҳудудда ўсиш шароитини яхши деб баҳолаш мумкин. Келгусидаги тадқиқотлар давомида мазкур турнинг популяциясини мониторингини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ҚПМ ни ишга тушириш фаолият режалаштирилаётган ҳудуддаги ўсимлик дунёсига сезиларли таъсир этмаслиги лозим, чунки асосий хатарлар атмосфера ҳавосини ва атроф-муҳитнинг бошқа табиий компонентларини муҳофаза қилиш бўйича миллий қонунчиликка ва ХМК талабларига мувофиқ кўзда тутилган чора-тадбирлар билан назорат қилинади.

4.1.9 Ер ҳайвонот дунёсига таъсир

Фаолият режалаштирилаётган ҳудуддаги дала тадқиқотлари натижаларига кўра қушларнинг 50 тури аниқланган бўлиб, уларнинг 5 тури Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган: кичик қорабузов, оқ лайлақ, қорабошли чағалай, оқ думли бургут ва қиронқора.

Шунингдек, амфибияларнинг ҳам бир тури учратилган – яшил қурбақа. Сут эмизувларнинг учта тури аниқланган – шарқ слепушонкаси, сариқ юмронқозиқ ва оддий шоқол сут эмизувларнинг мазкур турлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тарқалган ва хатто оммавий ҳисобланади. Баъзи участкалардаги турларнинг хилмачиллик кўрсаткичи 4 дан 25 гача турни ташкил этган.

Кўриб чиқилаётган ҳудудларнинг ҳолатига инсон фаолияти сезиларли тарзда таъсир этган ва ҳозирги вақтда бу ерда NT, VU ёки EN мақомлари билан Ўзбекистоннинг Қизил китобига (2019) ёки IUCN рўйхатига киритилган, масалан ин қуриб яшайдиган турлар учун яшаш жойлари мавжуд эмас.

Шу билан бирга, комбинат ҳудуди сув атрофи қушлари ва сувда яшайдиган қушлар, шунингдек йиртқич қушлар учун, айниқса миграция ва қишлош даврида муҳим аҳамиятга эга.

Фаолият режалаштирилаётган ҳудудда ЎМК ташламаларининг, ҚПМ, ЭУЛ ва олиб кирувчи автомобил йўли қурилишининг ҳайвонот дунёсига салбий таъсири аниқланмаган.

ЭУЛ да қушларни ҳимоя қилиш – ҚПМ лойиҳасининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифаси ҳисобланади. Йиртқич қушларни, турналарни, тувалоқ қушларни ток уришидан ёки ЭУЛ танянчлари билан тўқнашиб кетишидан ҳимоялаш учун бу обьектлар қабул қилинган илғор амалиёт ва стандартларга мувофиқ ҳимояланган, жиҳозланган (рефлекторлар, визерлар, қуш флапперлари ва ш.к) ва изоляцияланган бўлиши лозим.

4.1.10 Ихтиофауна ва сув экотизимлари организмларига таъсир

Фаолият режалаштирилаётган ҳудуднинг сув биотоплари XX асрнинг иккинчи ярмидаги кенг кўламли ирригация қурилишлари ва иқлимлаштириш ишлари натижасида сезиларли равишда шакланган. Табиий биотопларнинг жуда кам миқдорда сақланиб қолган участкалари ҳам қишлоқ ҳўжалиги ва Бекобод шахри коммунал ҳўжалигининг сезиларли атропоген таъсирига учрамоқда.

ЎМК ҳудудида оғир ҳолатдаги биотоплар – ХМК мезонларига мос келадиган табиий ёки ўзгартирилган жойлар аниқланмаган, шунингдек, балиқларнинг ва сув умуртқасизларининг нодир ҳамда йўқолиб бораётган турлари ҳам аниқланмаган.

Ихтиофауна ва сув экотизимлари организмларига нисбатан таъсири кўрсатадиган асосий антропоген омиллар – дарё ҳамда ирригация ва дренаж тармоқлари барча каналларининг асосий ўзанидан ирригация тартибида фойдаланиш, аҳоли яшаш пунктларининг кенгайиши ҳисобланади.

Антропоген омилнинг таъсири фақатгина салбий характерга эга эмас, чунки Сирдарё дарёсининг ўрта оқимида Тошкент вилояти сув ресурсларидан балиқ хўжалиги учун фойдаланишни белгилаб берадиган, олиб келинган балиқларнинг кўпайиши кузатилган.

Текшириш маълумотларига кўра, қурилиш якунланган ЭУЛ ва олиб кирувчи автомобил йўлининг ихтиофаунага салбий таъсири аломатлари аниқланмаган.

Сув обьектларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларга қўшимча равишда ҚПМ қурилиши лойиҳасининг ихтиофаунага (балиқларнинг кўпайишига) ва сув экотизимлари организмларига нисбатан таъсирини бартараф этиш ва/ёки юмшатиш бўйича маҳсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

4.2 Ижтимоий таъсири

4.2.1 Мехнат бозорига таъсири

Иш ўринларининг яратилиши ҚПМ қурилиши билан боғлиқ аҳамиятли ижобий таъсири ҳисобланади. ҚПМ нинг қурилиш босқичи 2020 йилдан 2023 йилга қадар давом этади. Қурилиш босқичида иш энг кўпайган даврда ишчи кучига бўлган эҳтиёж тахминан 1300 кишини ташкил этади.

Лойиҳалаштирилаётган обьектларнинг қурилишини асосан вахта усулида ишлайдиган, корхонанинг СМҲ сида ҚПМ майдончаси яқинидаги қурилиш шаҳарчасида яшайдиган персонал амалга оширади.

Бекобод тумани ва Бекобод шаҳри аҳолисидан ишга ёлланадиган қурилиш ишчиларининг бир қисми малакага эга бўлмаган ишчи кучидан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда.

Шаҳар қурилиш тармоғида банд бўлганларнинг умумий сонини (тахминан 800 киши) ҳисобга олинадиган бўлса, ҚПМ қурилишига меҳнат ресурсларини жалб этиш меҳнат бозоридаги қисқа муддатли ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

Эксплуатация босқичида лойиҳанинг эксплуатация даври учун меҳнат ресурсларига бўлган умумий эҳтиёжи 1 253 та кишини ташкил этади, улардан 1 091 таси ишчилар, 162 таси раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар, жумладан 51 таси маъмурий-бошқарув персонали. ҚПМ лойиҳаси бўйича янги яратиладиган иш ўринларининг умумий сони – 406 та бирликдан иборат бўлади.

Қурилиш ишчилари билан бўлгани сингари, маҳаллий аҳоли (яъни Бекобод тумани ва Бекобод шаҳри аҳолиси) ҳам асосан ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи персонал сифатида жалб этилишлари кўзда тутилмоқда.

“Ўзметкомбинат” АЖ даги иш ҳақининг даражаси иқтисодий фаолиятнинг барча турлари бўйича бутун Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақидан ҳам, кўплаб саноат корхоналаридаги ўртача иш ҳақидан ҳам юқори бўлади.

2020 йилда саноатдаги ўртача иш ҳақи 3 524,0 минг сүмни ташкил этган ва 2019 йилдагига нисбатан 36,5% га ошган.

Юқорида тақдим этилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, Лойиҳани амалга оширилиши ҳисобига ҳудуддаги иш ҳақининг ўртача номинал даражаси ошади ва Тошкент вилоятидаги иш ҳақи даражасигача кўтарилади.

Лойиҳани амалга оширилиши ҳисобига комбинат таъминотчилари ва ЎМК маҳсулотлари истеъмолчилигининг фаолиятига, шунингдек индуцияланган эфектнинг шаклланишига (компаниялар ходимлари, таъминотчилари ва мижозларининг истеъмол харажатлари) билвосита ижобий таъсир юзага келиши тахмин қилинмоқда.

Натижа боғланган тармоқларда яратилаётган иш ўринлари кўрсаткичларида намоён бўлади, халқаро баҳолашларга кўра (World Steel Association), металлургия учун кўрсаткич 14,7 иш ўрнини ташкил этади. бошқа баҳолашларга кўра, МДҲ да металлургиядаги битта иш ўрни боғланган тармоқларда 2 тадан 3 тагача янги иш ўринларини яратади.

Бу лойиҳанинг амалга оширилиши боғланган тармоқларда 2 500 та одам учун янги иш ўринлари яратилиши таъминланишини англатади

Лойиҳа доирасида қўшимча жорий этилган иш ўринлари асосан қувур-прокат ишлаб чиқариши, г/к ўрамларни листларга ва штрипларга кесиш цехлари, г/к ўрамларидан турли металл конструкцияларини тайёрлаш, қопламали прокатни тайёрлаш, шунингдек, иқтисодиётнинг энергетика ва транспорт сектори корхоналари ишчилари учун яратилади.

Иш ўринларининг кўпайиши хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам янги иш жойларини яратилишига олиб келади (масалан, умумий овқатланиш ташкилотлари ва савдо корхоналарида).

Саноатдаги битта иш ўрни хизмат кўрсатиш соҳасида ўртача 3 та иш ўрнини яратишини ҳисобга олинадиган бўлса, 7 500 га яқин одамни қўшимча равишда ишга жойланишини тахмин қилиш мумкин.

4.2 Жадвал. Лойиҳанинг аҳоли бандлигига таъсир

ҚПМ да ишга жойлашиш	1 253 киши
Саноатнинг боғланган тармоқларида ишга жойлашиш	2 500 киши
Хизмат кўрсатиш соҳасида ишга жойлашиш	7 500 киши
Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида ишга жойлашадиганларнинг умумий сони	11 253 киши

Шундай қилиб, ҚПМ лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 11 000 дан ортиқ одамни иш жойлари билан таъминлаш тахмин қилинмоқда, бу эса меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва умуман олганда аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини беради.

4.2.2 Иқтисодий ривожланишга таъсир

Лойиҳанинг кўлами профил корхоналарни бир неча йилга ишлаб чиқариш буюртмалари билан таъминлаш имконини беради.

Қурилиш учун қурилиш компаниялари, субпудратчилар, транспорт ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари жалб этиладилар.

Лойиҳадаги иштирок қўшимча даромадларни, мавжуд иш ўринларини сақлаш ёки янгиларини яратишни, бюджетга солиқ тўловларини (ҚҚС, фойда солиғи ва бошқа) англатади.

Даромадларнинг ўсиши келгусидаги товар ва хизматлар истеъмолини оширади.

Эксплуатация даврида лойиҳавий ҳисоб-китобларда соф фойдадан 2% миқдорида ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга/ҳайрияга ажратиш кўзда тутилган. Ўртача йиллик сумма 2,6 млн АҚШ долларини ёки 26,3 млрд сўмни ташкил этади.

Лойиҳанинг амалга ошиши ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик инвестиция ва ҳайрияларни амалга ошириш имкониятини яратади. Автомобил ва темир йўлларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, шунингдек, электр энергияси таъминоти бўйича қўшимча обьектларнинг қурилиши ҳисобига Бекобод шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси инфратузилмасини яхшиланнишига эришилади.

ҚПМ эксплуатация босқичидаги давлат бюджетига қўшимча солиқ тушумлари (ҚҚС – 15%, фойда солиғи – 15%, мулк солиғи – 1,5%, ижтимоий солиқ – 12%) таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий сиёsat, жумладан маҳаллий, регионал, республика даражасидаги давлат нафақаси ва компенсация тўловларини бюджет молиялаштирилишини ошириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, бюджет секторида банд бўлганларнинг иш ҳақи миқдори ортади, ижтимоий соҳа тармоқларида янги иш ўринлари яратилади, бу эса аҳолининг турмуш даражаси ва сифатида ўз аксини топади: меҳнат бозоридаги вазият яхшиланади, бандлиқдан келадиган даромадлар ва аҳолига ижтимоий трансферлар кўпаяди, ижтимоий соҳада тақдим этиладиган хизматларнинг сифати ортади ва улардан фойдаланиш осонлашади.

Лойиҳа бўйича 2023-2057 йилларда давлат бюджетига ажратмаларнинг соф ўсишининг ўртача суммаси (ҚҚС ни чиқариб ташлаганда) 35 млн АҚШ долларини ёки 357,7 млрд сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, лойиҳанинг амалга ошиши таълимни молиялаштиришни 1% га, соғлиқни сақлашнинг умумий тизимини молиялаштиришни 2% га ошириш имконини беради. Лойиҳанинг амалга ошишидан ҳосил бўладиган солиқ тушумларининг ўсиш суммасини аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганда – бу қўллаб-қувватлаш бутун мамлакат бўйича 5% га ортади ва мамлакат бўйича таълим муассасаларини қурилишини, реконструкция қилинишини ва капитал таъмирланишини молиялаштиришни 9% га ошириш ёки тиббиёт муассасаларини қурилишини, реконструкция қилинишини ва капитал таъмирланишини молиялаштиришни 33% га ошириш имкониятини беради.

Шунингдек, эксплуатация босқичида импорт ўрнини тўлдириш ва Ўзбекистон металлургия саноатини металл маҳсулотларини импорт қилишга боғлиқлигини пасайтириш йўли билан валюта ресурсларини чиқиб кетишини камайтириш кўзда тутилган. Инвестицион фаоллик натижасида, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг машинасозлик, қурилиш тармоқларидағи ривожланиш орқали ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда лист прокат истеъмолининг барқарор ўсиши кутилмоқда.

Лист прокат ишлаб чиқаришини локаллаштириш натижасида қурилиш индустрияси, вагон қурилиши, металлургия ва машинасозлик саноатининг ривожланиши ҳам Ўзбекистон Республикасига қора металлургия ва машинасозлик тармоғи маҳсулотлари рўйхатининг кенгайиши ва ўзини ўзи таъминлаш даражасининг ошишига имкон беради.

4.2.3 Ўқитиш ва малакани ошириш билан боғлиқ таъсирлар

Эксплуатация босқичи учун лойиҳа персоналини тайёрлаш қурилиш босқичиданоқ бошланади.

«Danieli & C. Officine Meccaniche S.P.A.» компанияси билан тузилган шартномага биноан “Ўзметкомбинат” АЖ мутахассислари жамоасини шакллантириш учун Danieli компанияси комбинат персоналини ўқитишни ташкил этиши лозим.

Бу ўқитиш шу каби корхоналарда ва махсус ўқув муассасаларида ишлаб чиқаришдан аввалги босқичданоқ ташкил этилади. Шартномага биноан ўқитиш учун умумий харажатлар 373 000 евродан иборат бўлади.

Шундай қилиб, ҚПМ ишга туширилгунига қадар персонал турли даражаларда маълум бир тайёргарликдан ўтиши лозим.

Ўқитишни таъминлаш нафақат ишлаб чиқаришни бошлаш учун талаб этилади, шунингдек, келгусида ҳам керак бўлади, чунки малакани ошириш, бошқарувни такомиллаштириш, кадрлар таркибини тўлдириш (масалан, ходимларнинг нафақага чиқиши ва лавозимидан кетиши туфайли) – бу узлуксиз жараён ҳисобланади.

Кадрларни тайёrlлаш дастури учта босқични кўзда тутади:

- назарий тажриба ошириш;
- ўхшаш корхонада тажриба ошириш;
- ҚПМ майдончасида тажриба ошириш.

Эксплуатация босқичида ишчилар учун бўлгани сингари маъмурий бошқарув, ишлаб чиқариш персонали учун ҳам малака ошириш талаб этилади. Кескин рақобат шароитларида янги ишлаб чиқариш ускуналарини киритиш, маҳсулотнинг янги турини сотиш зарурати профессионализм ва унумдорликнинг юқори стандартларини сақлаб тuriш учун тегишли персонални талаб этади.

Бошқарувни такомиллаштириш ҳамда ходимни нафақага чиқишилари ва лавозимларидан кетишилари сабабли кадрлар таркибини тўлдириш учун эксплуатация босқичида кўшимча ўқитиш зарур бўлади.

Эксплуатация босқичидаги ўқитиш ЎМК персоналининг малакасига, шунингдек, корхонанинг ривожланиши ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади.

4.2.4 Ерларни олиш, иқтисодий кўчириш

ҚПМ нинг ишлаб чиқариш фаолияти ЎМК ҳудудида корхона чегараларини кенгайтирилиши изола амалга оширилади.

Боёвут ва Беобод туманлари кадастр органларининг дастлабки маълумотларига кўра, ЭУЛ ва автомобил йўли лойиҳаси 38 та ер участкаларинида зарар етказган бўлиб, улардан 7 таси давлат корхоналари ва ЎМК нинг ерлари ҳисобланади, 31 та участка – булар зарар кўрган фермер хўжаликларининг ерлари (Бекобод туманида 19 та, Боёвут туманида 12 та).

Ижтимоий аудит натижалари бўйича, қурилиш даврида мустақил баҳолаш ўтказилган 19 та фермер хўжаликлари аниқланган. 12 та фермер хўжаликларига мустақил баҳолаш бўйича компенсация тўланган бўлиб, бу рўйхатдаги бир қатор фермер хўжаликлари баҳолаш натижасидан қониқмаганлар.

Бошқа 12 та фермер хўжаликларида турли сабабларга кўра зарарни баҳолаш ўтказилмаган (зарар кўрган хўжаликлар тўғрисида маълумотнинг мавжуд эмаслиги, ЭУЛ трассасининг ўзгариши ва ш.к.). Бу масалани ҳал этиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Шундай қилиб, ҚПМ кўшма обьектларининг қурилиши – ЭУЛ ва йўл – ер участкаларининг олинишига (вақтинчалик ва доимий), ҳосилни ва мевали дарахтларнинг йўқотилишига, дренаж ва ирригация иншоотларининг бузилишига олиб келган.

2022 йил октябрь ойида “ЎМК” АЖ ва “Veritas” МЧЖ ўртасида ҚПМ лойиҳаси учун 220 кВ кучланишли электр узатиш линияси ва янги автомобиль йўли (1,2 км) қурилиши муносабати билан Сирдарё вилояти Боёвут тумани, Тошкент вилояти Бекобод тумани

ва Бекобод шаҳрида жойлашган дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига ҳамда мол-мулкига етказилган зарарни аниқлаш ва қоплаш бўйича баҳолаш ўтказиш тўғрисида шартнома тузилган.

Қайта баҳолаш рўйхатига 22 та фермер хўжалиги киритилди.

“Veritas” МЧЖ томонидан амалга оширилган баҳолаш натижаларига кўра, маслаҳатчи томонидан ҳисботлар экспертизадан ўтказилди.

Жами 5 та баҳолаш ҳисботи ва 26 та файл кўриб чиқилди, жумладан фермернинг эътиrozлари йўқлиги тўғрисидаги аризаси ҳам шулар қаторида. Учта аризада суғориш тизимини тиклаш талаблари, битта аризада эса участканинг олиб қўйилишини тўлиқ қоплаш тўғрисидаги талаблар мавжуд эди³.

Ҳозирда Бўйични баҳолаш ва компенсация тўлаш натижаларини мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Эксплуатация босқичида лойиҳа қўшимча ерларнинг олинишини ва/ёки иқтисодий кўчиришни кўзда тутмайди.

4.2.5 Ишчи кучининг оқиб келиши ва аҳоли сонининг ўзгариши

Лойиҳанинг амалга оширилиши сабабли эксплуатация босқичида ишчи кучининг оқиб келиши касалхона ва бошқа тиббиёт муассасалари, мактаблар, дам олиш ва ҳордик чиқариш обьектлари, тураг жой фонди, жамоат транспорти ва бошқалар каби ижтимоий инфратузилма обьектларига бўлган юкламанинг бироз ортишига олиб келади.

Дастлабки ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар босқичида ўтказилган таҳлил Бекобод шаҳри аҳолиси касалхоналар билан етарлича таъминланмаганини кўрсатди. Ўз навбатида Консультант томонидан ижтимоий обьектлар сонини кўпайтириш ва умуман ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича ЭваИСХР да тадбирлар таклиф этилади. Мазкур режа кредит келишувининг муҳим қисми ҳисобланади, Режа тадбирларининг бажарилиши кредит ташкилоти томонидан ҚПМ лойиҳасини амалга оширилишининг мониторинги давомида кузатиб борилади.

Қисқа муддатли истиқболда ишчи кучининг оқими ижтимоий инфратузилмага нисбатан юкламанинг ортишига олиб келишига қарамай, ушбу хизматларга бўлган талабнинг ўсиши инфратузилманинг ривожланишига олиб келади, бу эса қўшимча ижобий натижани таъминлайди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли ижтимоий инфратузилмага нисбатан юкламанинг ортишининг турмуш даражасининг пасайишига олиб келиш эҳтимоли жуда кам. Бу ҳолда салбий таъсирлар натижасида бевосита зарар кўриши мумкин бўлган, аҳолининг эҳтимолий ижтимоий заиф гуруҳига ёрдам кўрсатиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Бир вақтнинг ўзида, қурилиш ишчилари ҳисобига аҳоли сонининг ортиши билан боғлиқ эҳтимолий ижтимоий таъсир маҳаллий ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талабнинг кўпайишидан иборат бўлиши мумкин, бу эса Бекобод шаҳри ҳамда Бекобод туманининг кичик бизнеси ва фермер хўжаликларига устунлик бериши мумкин.

Ишчи кучининг оқиб келиши янги келганлар ва маҳаллий аҳоли сонининг ортиши билан юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, мазкур

³ “Веритас” МЧЖнинг қайд этишича, мазкур фермер хўжалигига зарар етказилганлиги тўғрисида далолатнома мавжуд эмас.

низолар локаль характерга эга бўлади ва аҳолининг хавфсизлик даражасини сезиларли равишда пасайишига олиб келмайди.

Ишчи қучининг оқиб келиши туфайли ижтимоий ниеизли касалликларнинг кўпайиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Бундай таъсирлар, агар улар юзага келса, турмуш даражасининг сезиларли равишда пасайишига олиб келмаслиги эҳтимоли юқори.

Лойиҳа доирасида тиббий текширувларни ўтказиш шахсий дастурини ва ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув тизимини жорий этиш орқали, шунингдек, ишчиларни ижтимоий негизли касалликлар билан касалланиш хавфлари ва бу хавфларни назорат қилиш усуслари тўғрисида хабардор этиш учун тизимли ахборот-тушунириш ишларини олиб бориш йўли билан мазкур таъсирнинг юзага келиш хавфи пасайтирилиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва туарар жойлар нархининг кўтарилиши ҳам ишчи кучларининг оқими ҳамда талаб даражасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу таъсир аҳолининг умумий турмуш даражасини реал тарзда пасайишига олиб келиш эҳтимоли анча кам, лекин шуни эътиборга олиш керакки, бу ижтимоий заиф гуруҳларга зиён келтириш мумкин.

Эксплуатация босқичида лойиҳа бўйича янги иш ўринларининг умумий сони 1 253 тани ташкил этади, бундан 1 091 таси (87%) ишчилар ва 162 таси (13%) раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар, жумладан 51 таси (0,5%) маъмурий-бошқарув персонали. Лойиҳа бўйича яратилаётган иш ўринларининг умумий сони 406 бирликни ташкил этади, бу эса қурилиш босқичидаги ишчи кучи оқимидан уч марта кам. Маҳаллий аҳоли (яъни Бекобод тумани ва Бекобод шаҳри аҳолиси) асосан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш персонали сифатида, тахминан 200 киши ишлаб чиқариш персонали сифатида жалб этиладилар,

Эксплуатация босқичида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик соҳасидаги таҳминлари оқланмаслиги эҳтимоли, шунингдек лойиҳа доирасида ишга жойлашган ва аризалари натижасиз қолган маҳаллий аҳолининг норозилик эҳтимоллари ҳам мавжуд.

4.2.6 Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат

ҚПМ лойиҳаси оқибатларни юмшатиш ҳамда бошқариш воситасида Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилишига ҳисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат тўғрисидаги низомни ўз ичига оладиган, “асосий меҳнат стандартлари”ни кўриб чиқувчи, ХМТ нинг саккизта асосий конвенциялари ратификация қилинган (қаранг 128-948-ESIA-РЕ-1, 2 бўлим).

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклини олдини олиш учун ЎМК нинг қурилиш босқичи камситишга, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга, кадрлар сиёсатида ишчилар ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймайдиган, тенг меҳнат шароитлари тамойилларини ўз ичига олади, бунда пурдатчилар ва субпурдатчилар зиммаларига шартнома шартлари орқали лойиҳанинг мазкур шартларига амал мажбуриятини юклаш керак бўлади.

Пурдатчининг хулқ кодекси ва Лойиҳанинг барча ходимлари, шу жумладан шартномалар ва пурдат шаклида ишловчи ишчи-хизматчилар, таъминот бўлинмалари ходимлари учун очиқ бўлган Шикоятларни кўриб чиқиш механизми орқали лойиҳа ёндошуви ва мажбурий ҳисбот доирасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишга нисбатан умумий қоидалар таъминланади.

Кадрлар Сиёсати ҚПМ лойиҳасида ва умуман корхонада болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш имкониятига йўл қўйилмаслини таъминлаши,

шунингдек, сиёсатда меҳнат муносабатларини ўрнатмаган персонал ва таъминот тизими ходимларига нисбатан миллий ҳамда халқаро талабларни акс эттириши лозим.

Лойиҳанинг барча ходимлари, жумладан шартнома ва субпудрат бўйича ишлайдиган ходимлар, шунингдек, таъминот занжири ходимлари учун имконли бўлган, ходимлар шикоятларини кўриб чиқиш механизми яратилган ва амалга оширилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ходимлар ишчи ташкилотларини тузишда ва унга қўшилишда, шунингдек, жамoa шартномаларини тузиш бўйича музокараларда чекланмасликлари керак.

4.2.7 Махаллий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятлари

Лойиҳанинг қуидаги жиҳатларининг коммунал хизматларга ва транспорт инфратузилмасига таъсир этиш эҳтимоли мавжуд:

- тупроқнинг кўчирилиши/ер ишлари бўйича ишларнинг ўтказилиши, йирик габаритли ускунани кўчирилиши мавжуд инфратузилмани бехосдан шикастлаши мумкин;
- шаҳар инфратузилмасидан ва коммунал хизматлардан фойдаланиш.

Қурилиш босқичидаги эҳтимолий таъсирлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- йўл қопламасининг эскириши/емирилиши – лойиҳа ҳудудига бориш учун маҳаллий йўллардан фойдаланилганда;
- тирбандлик ва ҳаракатнинг чекланиши (йўлларнинг ёпилиши), айниқса габаритсиз ва/ёки оғир юклар ҳаракатланиши вақтида.

Эксплуатация босқичида инфратузилмага нисбатан сезиларли таъсир тахмин қилинмаяпти.

4.2.8 Таъминот занжиirlари билан боғлиқ таъсирлар

Лойиҳа бўйича таъминот занжирининг ижтимоий хавфлари ҳамда таъсирлари лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг асосий таъминотчилари билан боғлиқ.

Таъминот занжири жорий фаолиятда фойдаланиладиган материаллар, таркибий қисмлар, товарлар ёки маҳсулотларга тааллуқли бўлади.

Товарлар таъминот занжири хом ашъё таъминотчиларини ва йиғиш ҳамда ишлаб чиқариш учун таркибий қисмлар таъминотчиларини ўз ичига олиши мумкин.

Таъминотлар занжирига нисбатан ХМК нинг ФС-2 талаблари лойиҳанинг қурилиши босқичида фойдаланиладиган материаллар ва таркибий қисмларга тааллуқли эмас.

Пудратчилар томонидан хизматлар кўрсатилишида ва таъминотчилар томонидан маҳсулот етказиб беришдаги болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат, қурилиш босқичида таъминот занжири билан боғлиқ асосий таъсирлар ва хавфлар ҳисобланиши мумкин.

ХМК нинг ФС-2 да белгиланганидек, бу каби амалиётдан фойда ёки молиявий даромад олинишига йўл қўймаслик учун комбинат ўзининг таъминот занжири бўйича тегишли текширувларни ўтказиши лозим. Муайян тармоқлар ёки ҳудудлардаги таъминот занжирида бундай амалиёт кенг тарқалган ҳолларда ёки унинг мавжудлиги маълум бўлганда Лойиҳа бунга алоҳида чоралар қўллаши ва қўшимча текширув ўтказиши лозим.

Ишчи кучининг қиймати лойиҳа рақобатбардошлигининг омилларидан бири бўлган ҳолларда болалар меҳнатидан олинадиган молиявий фойда ўзига хос хавф ҳисобланади.

Лойиҳа ўзининг таъминотлар занжирида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик учун ўз таъсиридан максимал фойдаланиши лозим. Шунингдек, таъминотлар занжирида ҳаёт учун хавф туғдирадиган ҳолатларни олдини олиш ёки бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш зарур.

Сотиш ёки сотиб олиш тартиб-таомиллари таъминотчилар билан буюртма ва шарномаларга болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга талаблар киритилишини кафолатлаши лозим. Эксплуатация босқичида ҳам қурилиш босқичида бўлгани каби хатарлар ва таъсирлар кўриб чиқилади.

4.2.9 Маданий мерос

ЭУЛ ва олиб кирувчи йўл бўйича ҳужжатларни ўрганиш вақтида Тошкент вилоятининг Маданий мерос бўйича Агентлигидан мазкур ҳудудда жойлашган аҳамиятга молик маданий ва археологик мерос объектлари тўғрисида жавоб олинган.

Аниқланишича, ЭУЛ нинг №24 таянчи Хос маҳалласи ҳудудида (Бекобод тумани), кўчмас маданий мерос объектлари миллий рўйхатида қайд этилган XII-XIV аср “Учтепа” археологик ёдгорлигининг қўриқланадиган ҳудудида жойлашган.

ЎМК ва Тошкент вилояти Маданий мерос Агентлиги мутахассисларининг биргаликда қилган сафарлари натижасида ёдгорлик ва унинг қўриқланиш ҳудудининг визуал текшируви ўтказилган.

Текширув натижаларига кўра ЭУЛ таянчининг жойлашуви ёдгорликка салбий таъсир кўрсатмаган.

Олиб кирувчи автомобиль йўли архитектура ёдгорлиги ва маданий меросга таъсир этмаган ҳолда қурилган ва фойдаланишга топширилган.

Эксплуатация босқичидан маданий меросга нисбатан таъсирнинг юзага келиши тахмин қилинмаяпти.

4.2.10 Ишчиларнинг ҳуқуқлари, хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси

Қурилиш ишлари авжига чиққан даврда лойиҳа доирасида камида 1300 та иш ўринлари яратилиш кутилаяпти, бу ишларнинг давомийлиги бевосита ҚПМ қурилиши муддати билан боғлиқ. Ишчиларнинг кўпи Пудратчи томонидан жалб этилади ва малакали ҳамда малакага эга бўлмаган ишчи кучидан иборат бўлади.

Ишчиларнинг ҳуқуқларига, саломатликларига, меҳнат шароитларига ва хавфсизликларига нисбатан таъсир оғир техник ва транспортдан фойдаланиш, баландликда иш олиб бориш, қурилиш ишлари, электр ускуналаридан фойдаланиш, юклаш-тушириш ишлари, хавфли материаллар билан ва фаолиятнинг бошқа хавфли турлари билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қурилиш вақтида амалга ошириладиган фаолиятнинг характеристидан келиб чиққан ҳолда, жароҳатланишга, ўлимга, шунингдек, иш вақтининг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалардан персонални ҳимоя қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

Меҳнат хавфсизлигини бошқариш, жумладан фавқулодда вазиятларга муносабат билдириш тартиб-таомиллари учун Пудратчи томонидан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (ММ ва ТХ) бўйича Режа тайёрланади.

Пудратчи меңнат хавфсизлиги бўйича ўқув курслари ҳамда бир қатор йиғилишларни ўтказади ва барча хавфсизлик воситаларини (жумладан, ёнгинга қарши курашиш воситаларини), қурилиш материаллар, тўсиқлар, ишчи платформалари, кўтаргичлар ва бошқа фойдаланиладига воситаларни, шунингдек, кўтариш, ёритиш, маркировка қилиш ва қўриқлаш воситаларини мунтазам равишда текширади, синовдан ўтказади ва уларга хизмат кўрсатади.

Ишчиларга (иш бошлангунига қадар) тегишли ишларни бажариш учун зарур бўлган, ҳимояловчи пойафзаллар, тасмалар, шлемлар, қўлқоплар, ҳимоя кийими, ҳимояловчи кўзойнаклар, ҳимояловчи қулоқчинлар ва юқорида иш олиб бориш учун камарлар каби индивидуал ҳимоя воситалари (ИҲВ) тақдим этилади.

Ишчилар ва персоналнинг ҳукуқлари бўйича Пудратчи қуидаги чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаши лозим:

- Пудратчиларнинг шартномаларидағи бўлимлар, амалга ошириш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, ХМТ ва ХМК талаблари бажарилишини таъминлаш учун жамоавий музокаралар, штатлар қисқариши, ишчиларни жойлаштириш ва ишчиларнинг етишмаслиги билан боғлиқ пунктларни ўз ичига олиши лозим;
- Пудратчи томонидан лойиҳа ишчи кучини ёллаш, ўқитиш, баҳолаш ва рағбатлантириш бўйича Кадрларга оид сиёsatни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши;
- сиёsat иш жойида камситишнинг ҳар қандай шаклини бартараф этиши ва барча ишчиларга нисбатан адолатли ҳамда тенг муносабатларни таъминлаши лозим;
- ходим иш ўринларига тааллуқли бўлган асосли масалаларни билдира олишлари учун шикоятларни кўриб чиқиш механизмини яратиш. Пудратчи ишга ёллаш вақтида ишчиларни шикоятларни кўриб чиқиш механизми тўғрисида хабардор этади ва улар учун механизмдан осон фойдаланиш имкониятларини яратади;
- ходимлар ходимлар ташкилотларини тузишдан ёки уларга қўшилишдан, шунингдек, жамоа шартномалари тузилиши тўғрисидаги музокараларда иштирок этишдан чекланмайдилар, жамоаларни шакллантирадиган ёки уларга қўшиладиган, жамоа шартномаларини тузишда иштирок этадиган ишчилар Пудратчи томонидан камситилмайдилар;
- меңнат шартномаларини қўққисдан тўхталиши оқибатларини камайтириш мақсадида штатлар қисқариши режасини тайёрлаш, масалан тегишли ҳолларда штатлар қисқаришининг шаффоф жараёнларини таъминлаш ва меңнат жамоалари билан консультациялар механизмини йўлга қўйиш. Пудратчи ёллаш жараёнида иш ўринларининг вақтинчалик характеристерга эга эканини ва ишчиларга ишни йўқотишлари мумкинлигига тайёр туришлари лозимлигини ҳамда ишлаётган даврларида ўз даромадларидан оқилона фойдаланишлари кераклини тушунтиради.

Барча ишчилар лавозим мажбуриятлари ва меңнат шароитлари баён этилган шартномаларга, шунингдек, бу шартномаларнинг мазмуни тўғрисида тушунчага эга бўладилар. Пудратчи юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда тартибга солиш учун меңнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мутахассислар гурухини ишга қабул қиласди.

Меңнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашлари учун лойиҳанинг барча субпудратчиларига Пудратчининг АМИМБР (атроф-муҳитни ва ижтимоий муҳитни бошқариш Режаси) нинг нусхалари тақдим этилади. Барча суб-шартномаларга субпудрат шартномалари тузишнинг ҳамма босқичларида АМИМБР га амал қилинишини таъминлайдиган бўлимлар киритилади.

Барча субпудратчилар тегишли суб-шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида Қурилиш участкасида бўладиган, техника хавфсизлиги бўйича вакилни тайинлашлари лозим бўлади. Юқорида кўрсатилган пунктларни бажариш учун ЕРС-пудратчи атроф-муҳитни, саломатлик ва меҳнат хавфсизлигини муҳофаза қилиш бўйича малакали персонални тайинлайди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини бошқариш лойиҳанинг эксплуатация босқичида ҳам миллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

ММ ва ТХ нинг тегишли соҳасидаги мутахассислар томонидан тақдим этиладиган, ММ ва ТХ борасида тайёргарликнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилади.

Эксплуатация босқичида фаолият оғир техника ва юқ машиналаридан, электр ускуналаридан фойдаланишни, хавфли материалларни юклаш-тушириш ишларини ҳамда фаолиятнинг бошқа хавфли турларини ўз ичига олади.

4.2.11 Аҳолининг саломатлиги, хавфсизлиги ва фаровонлиги

Қурилиш босқичида жамоат хавфсизлигига нисбатан таҳдииднинг кучайиш эҳтимоли мавжуд.

Аҳоли хавфсизлигига нисбатан эҳтимоли кўпроқ бўлган таъсирлар:

- қурилиш лагерининг қўриқлаш ва хавфсизлик хизмати ходимлари, ишчилар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги низолар (жароҳатланиш хавфи);
- хавфнинг кўпайиши (масалан, ер ишларида) ва жароҳатланишга ёки хатто ўлимга олиб келадиган баҳтсиз ҳодисалар хавфининг ортиши;
- аҳоли томонидан фойдаланиладиган йўлларда транспорт оқими жадаллигининг ортиши – жароҳатланишга ёки ўлимга олиб келадиган йўл-транспорт ҳодисаларининг юқори хавфи.

Аҳоли саломатлигига нисбатан эҳтимоли кўпроқ бўлган таъсирлар:

- кемирувчилар сингари касаллик ташувчилар сонининг ортиши (агар озиқ-овқат/ичимликлар нотўғри сақланса, қаттиқ/суюқ чиқиндиларни бошқариш эса керакли тарзда амалга оширилмаса), булар трансмиссив касалликлар билан касалланишнинг кўпайишини келтириб чиқаради;
- қурилиш лагерларида яшайдиган ишчилар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар натижасида юқумли касалликлар сонининг ортиши. Қурилиш лагерларида яшайдиган ишчиларнинг сони 1300 кишига (асосан эркаклар) етганда юқумли касалликлар тарқалиш хавфи мавжуд (масалан, туберкулёт ва ВИЧ ҳамда бошқа шу каби жинсий йўл билан юқадиган касалликлар);
- суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни нотўғри бошқариш ҳолатларида сув орқали юқадиган касалликлар хавфи;
- ҳаракатлар жадаллашуви ва қурилиш материалларини ташиш билан боғлиқ чанг ҳамда шовқиннинг ортиши.

Ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқарилиш билан боғлиқ аҳоли саломатлигига нисбатан хавфни баҳолаш қўйидагиларни кўрсатди:

- ЎМК нинг лойиҳавий СМҲ чегараларида ва чегараларидан ташқарида лойиҳанинг бутун цикли давомидаги умумий индивидуал канцероген хавфнинг максимал даражаси 1.0 Е-04 катталигидан ошмайди, бу эса хавфнинг паст/йўл қўйиладиган даражасига мос келади.

- ЎМК СМХ си чегарасида ва турар жой бинолари худудидаги ноканцероген ҳавфнинг миқдори паст даража билан ифодаланади. Ўткир ҳамда сурункали таъсириларниг коэффициент ва индекслари йўл қўйиладиган катталиклардан ошмайди (мос равишда 1.0 ва 3.0).
- Кўп тарқалган барча ифлослантирувчи моддаларни ўткир ва сурункали таъсирилари референт концентрацияларининг ортиши ЎМК нинг лойиҳавий СМХ чегараларида ва чегараларидан ташқарида, турар жой бинолари худудида кузатилмаган.

Шундай қилиб, ЎМК СМХ си чегараларидан ташқарида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳеч бир ҳавф кўрсаткичи бўйича йўл қўйиладиган даражалардан ошмайди, комбинатнинг таъсири эса ҚПМ ни ишга тушишини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли саломатлигига нисбатан ҳавф жиҳатидан йўл қўйиладиган даражада.

5 ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ ҲАМДА МОНИТОРИНГ

5.1 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мониторинг бўйича чора-тадбирлар

Таъсирларни баҳолаш натижалари уларни бартараф этиш/даражасини пасайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асосни таъминлади.

Тадбирларни асослаш ХМК нинг 1 Фаолият Стандарти томонидан тавсия этилган иерархиясига мувофиқ амалга оширилган:

- таъсирларнинг олдини олиш;
- таъсирларни минималлаштириш;
- зарар кўрган таркибий қисмлар/экотизимлар/ҳамжамиятларни тиклаш – агар шундайлар бўлса;
- зарар кўрган таркибий қисмлар/экотизимлар/ҳамжамиятларга компенсация тўлаш – агар шундайлар бўлса.

АМ ва ИСТБ да таъсир даражаси “Юқори” деб баҳоланган таъсирларга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, Консультант ва кўзда тутилган фаолиятнинг ташаббускори томонидан бошқа таъсирлар учун ҳам чора-тадбирлар кўриб чиқилган.

ҚПМ лойиҳаси амалга оширилишининг ҳар бир босқичида эҳтимолий салбий таъсирларни бартараф этиш, минималлаштириш, пасайтириши таъминлайдиган механизmlардан фойдаланилади.

Атроф-муҳитни ва ижтимоий соҳани муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Режасида (Э ва ИСХР) ҚПМ лойиҳасини миллий талаблар ҳамда ХМК томонидан қўлланиладиган талабларга мувофиқлигини таъминлайдиган чора-тадбирлар ва бошқарув тадбирлари тақдим этилган.

Таклиф этилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлиги (натижаси) атроф-муҳит таркибий қисмлари ва уларнинг қуидаги кўрсаткичларининг мониторинги натижасида аниқланади:

- атмосфера ҳавосининг;
- ер усти ва ер ости сувларининг;
- грунтларнинг (тупроқларнинг);
- акустик вазиятнинг.

Ўз навбатида, Э ва ИСХР кредит келишувининг муҳим қисми ҳисобланади, Режа тадбирларининг бажарилиши кредит ташкилоти томонидан ҚПМ лойиҳасини амалга оширилиш жараёнида кузатиб борилади.

5.2 Ижтимоий муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирлар

ХМК нинг ФС 1 А тоифадаги (сезиларли таъсир) барча лойиҳаларни ички ва ташқи мониторингини ўтказишни талаб этади. Мониторинг бўйича ҳисботлар қурилиш даврида ҳар уч ойда, биринчи уч йил фойдаланиш даврида ҳар йили бир марта ЎМК га тақдим этилади.

Айниқса болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саломатликни муҳофаза қилиш ҳамда ходимларнинг шикоятлари бўйича ижтимоий масалалар мониторинги ўта муҳим ҳисобланади. Ички ва ташқи мониторинг

ишчилар хуқуқларига риоя қилиш бўйича Лойиҳанинг мажбуриятларини бажарилишини таъминлаши лозим бўлади, хусусан:

- Болалар меҳнати ва мабжурий меҳнатга таъкиқ.
- Минимал иш ҳақи тўлови ва иш вақтидан ташқари вақтларда бажарилган ишлар учун тўлов.
- Ишчилар томонидан ўзларининг жамоа музокараларини юритиш, бирлашиш, ташкиллаштиришларга бўлган хуқуқларини амалга оширишларига тўсиқ бўладиган ҳаракатларнинг назорати.
- Лойиҳа доирасида ишга жойлашиш учун тўлов ундириш амалиётига йўл кўймаслик.
- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги соҳасидаги режалар, тартибтаомиллар ҳамда ўқитишишларни амалга ошириш.
- Ишга жойлашиш жараёнида камситмаслик ва тенг имкониятлар тамойилларига амал қилиш.
- Меҳнат шикоятларини кўриб чиқиш механизмини қўллаш.
- Инсон ресурслари, лавозим йўриқномалари, ёзма шартномалар борасидаги сиёsatнинг мавжудлиги.
- Ишчи кучига меҳнат хуқуқлари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.
- Ишчиларни ўқитишиш бўйича тадбирлар.

Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича Э ва ИСХР ҳамда тартибтаомилларнинг бажарилишини назоратига алоҳида эътибор қаратилади. Мониторинг тизими самарадорлигини таъминлаш учун қоида бузилишлари ва қоидага амал қилинмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тизими яратилади ва жорий этилади.

Лойиҳавий фаолият лойиҳа ишчилари ўртасида бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга, айниқса иш вақтининг йўқотилишига, ногиронликка ёки хатто ўлимга олиб келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга йўналтирилади. Шунингдек, ЎМК пудратчиларнинг ишчилари яшайдиган лагерларда Э ва ИСХР шартларига амал қилиниши бўйича аудит ўтказади.

Қурилиш босқичида ҳамда эксплуатация вақтида ЎМК ва учинчи томонлар таъсирларни юмшатиш бўйича мониторинг ҳамда ҳисоб юритиш борасида қуидаги ҳаракатларни таклиф этадилар:

- Ишчилар шикоятларларини кўриб чиқиш механизми орқали шикоятларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, қонунийликни ёки тақрорланадиган муаммоларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш учун ЎМК кадрлар бўлими томонидан ҳар ойда шикоятларни рўйхатга олиш журнали кўриб чиқилиши лозим. Ерни олиниши ва турмуш кечириш учун зарур бўлган воситаларнинг тикланиши билан боғлиқ шикоятлар, шикоятларни кўриб чиқишнинг умумлойиҳавий механизми орқали қабул қилинади ва рўйхатга олинади, журнал эса ҳар ойда бир марта ЖИМ томонидан кўриб чиқилади.
- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитишиш тўғрисидаги ёзувларни юритиш, айниқса қуидагилар бўйича:
 - ММ ва ТХ бўйича ўқитишиш;
 - Қўриқлаш хизмати ходимларини ўқитишиш;

- Юқумли касалликлар түғрисида хабардорликни ошириш (масалан, сил ва ОИТС ҳамда бошқа шу каби жинсий йўл билан юқадиган касалликлар);
- Авария ҳолатларига тайёрланиш бўйича ўқитишлар.
- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (ММ ва ТХ) бўйича Режага мувофиқ Лойиха ишчиларининг ММ ва ТХ мониторинги учун баҳтсиз ҳодисалар, инцидентлар ва касалликларни қайд этиш журналини юритиш.
- Лойиха ишчилари саломатлиги ҳолати түғрисида махфий ёзувларни юритиш, жумладан ВИЧ/ОИТС га топширилган тестлар натижалари, тиббий текширувлар натижалари ва касбий жароҳатлар ҳамда касалланишлар түғрисидаги маълумотлар. Мазкур ёзувлар рўйхатга олинади ва ташқи аудиторлар томонидан аноним тарзда текширилади.
- Таъминотлар занжири аудити бўйича йиллик ҳисбот, жумладан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга нисбатан Кредит келишуви бўйича мажбурий ҳисботнинг бир қисми сифатида ёндашув.
- Лойиханинг ҳар бир ишчиси учун шахсий ҳужжатлар тўпламини юритиш, жумладан: баҳтсиз ҳодиса ва фавқулодда вазият учун яқин қариндошларининг алоқа маълумотлари, ижтиомий суғурта рақами, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, сертификатлар ва малакалар, ички ва ташқи ўқиш, таътиллар түғрисидаги ёзув, қўриқлаш хизмати ходимлари учун ўтмишдаги суистеъмол/судланганлик.
- Ходимлар ҳисобланмайдиган шахсларни Лойиха ҳудудига киришларини ва хавфсизлик ёки қўриқлаш хизматлари мутахассислари билан боғлиқ ҳар қандай низоларни қайд этадиган ёзувларни юритиш.

Аҳоли шикоятларини қабул қилиш ва қайд этиш МТЎҲР да батафсил баён этилган, шикоятларни кўриб чиқишининг умумлойиҳавий механизми орқали амалга оширилади. Умумий ёки тақрорланадиган муаммолар ва шикоятларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш учун ЖИМ таҳлил ўтказади.

Келгусидаги тақрорий мурожаатларнинг олдини олиш бўйича сабабларни аниқлаш ва чоралар кўриш мақсадида мазкур масалалар бўйича ЎМК раҳбарияти ҳамда пудратчилар томонидан тегишли ишлар олиб борилади.

Барча юқорида санаб ўтилганлар қурилиш ва эксплуатация босқичларида ижтиомий масалалар, меҳнат муҳофазаси ҳамда саноат хавфсизлиги бўйича мутахассислар ва уларнинг жамоалари томонидан мунтазам назорат этиб борилади.

Ижтиомий масалалар бўйича ҳар ойлик ҳисботлар қурилиш босқичида компания раҳбариятига тақдим этилади ва улардан талабларига кўра ташқи аудиторлар фойдаланишлари мумкин бўлади.

6 ЖАМЛАНМА (КУМУЛЯТИВ) ТАЪСИРЛАР

Мавжуд объектлар/лойиҳалар ва/ёки муҳитнинг табиий, табиий-антропоген омилларининг турли экологик ва ижтимоий таъсирлари кўзда тутилаётган фаолиятнинг қўшимча эфектлари билан уйғуналиқда жамланма таъсирларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Жамланма таъсирлар – илмий мулоҳазага асосан ва/ёки зарар кўрган ҳамжамиятларнинг хавотирларидан келиб чиқсан ҳолда сезипарли дея тан олинган таъсирлар. Жамланма таъсирларни баҳолаш (келгусида – ЖТБ) АМ ва ИСТБ тадқиқотлари бўйича Техник топшириқ томонидан кўзда тутилган.

ЖТБ қўйидаги талабларга мувофиқ бажарилган:

- ХМК Фаолият Стандарти 1;
- Халқаро молиявий корпорация йўриқномаси: экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш бўлса, Фаолият Стандартлари, ФС-1, Р37-Р43;
- ХМК нинг “Жамланма таъсирларни баҳолаш ва бошқариш: ривожланаётган бозорлардаги хусусий сектор учун йўриқнома” услубий ҳужжати.

Қимматли экологик ва ижтимоий таркибий қисмлар (келгусида – ҚЭИТҚ) – ЖТБ таркибида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлган, табиий атроф-муҳитнинг реципиентлари ва омиллари (элементлари).

ЖТБ учун табиий атроф-муҳитнинг ва табиий антропоген объектларнинг қўйидаги ҚЭИТҚ ларини кўриб чиқиш таклиф этилади:

- атмосфера ҳавоси (характеристикалари: кимёвий таркиби ва акустик кўрсаткичлари);
- ер усти сув объектлари;
- Бекобод шахрининг канализация тармоқлари ва тозаловчи иншоотлари;
- Бекобод туманининг чиқиндиларни жойлаштириш объектлари.

Табиий атроф-муҳит таркибий қисмларига нисбатан ЖТБ натижаларига кўра, кўзда тутилаётган фаолиятнинг атмосфера ҳавосига жамланма қолдиқ таъсирини “мутадил” дея баҳоланган.

ҚПМ ни ишга туширилишини ҳисобга оладиган, Консультант томонидан ишлаб чиқилган ЎМК нинг СМҲ лойиҳаси корхонанинг келгусидаги режаларини баҳолаш учун асосни яратиши лозим. Комбинатни ривожлантиришнинг барча лойиҳалари оқибатларни юмшатиш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган.

ЎМК нинг СМҲ даги ва ТНПК даги атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва шовқин даражаларининг мониторинги натижаларига кўра, Марказий саноат ҳудуди учун СМҲ нинг йиғма лойиҳасини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш тавсия этилади.

СМҲ нинг йиғма лойиҳаси Марказий саноат ҳудудида жойлашган барча ишлаб чиқариш ва коммунал корхоналарнинг таъсирини баҳолашни ўз ичига олиши лозим. Бекобод шахри маъмуриятидан манфаатдор томонлар иштироқида бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинишида ташаббус кўрсатиш талаб этилади.

Сирдарё дарёси ва Далварзин канали сувларига нисбатан жамланма таъсири сувнинг тўсилиши (канал) ва оқимнинг бурилиши (дарё ва канал) билан боғлиқ. Ҳар икки ҳолатда Далварзин каналига нисбатан қолдиқ таъсирлар “паст” дея баҳоланади.

Каналдаги сувнинг тўсилиши билан боғлиқ оқибатларни юмшатишни, дренаж сувларидан фойдаланган ҳолда ЎМК да сув айланиш цикларини жорий этиш орқали таъминланади.

Сирдарё дарёсига нисбатан жамланма қолдиқ таъсир “паст” дея баҳоланади. АМ ва ИСТБ доирасида бошланган, дарё ва канал сувлари сифатини тадқиқ қилиш ишларини давом эттириш ҳамда қуидагиларни эътиборга олиш таклиф этилади:

- оқова сувларини чиқаришда ишлаб чиқариш назорати;
- асосий ва назорат дарвозаларидаги ифлосланиш даражаси мониторинги.

Дарё ва канал сувлари мониторинги натижаларига кўра, сув муҳофазаси бўйича кўшимча компенсацион комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг (агар зарур бўлса) мақсадга мувофиқлигини баҳолаш тавсия этилади.

Хўжалик-оқова сувларини тозалашни ва чиқиндилар билан ишлашни таъминлайдиган, туман ва шаҳар инфратузилмасига жамланма таъсирларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун қуидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- шаҳар канализация тармоқлари ва тозаловчи иншоотларини реконструкция қилишни биргаликда молиялаштиришда комбинатнинг иштироки;
- ўзининг шахсий чиқиндиларни жойлаштириш обьектини (полигонни) қуриш.

Ижтимоий муҳит таркибий қисмларига нисбатан ЖТБ натижасида қуидаги жамланма таъсирлар таҳмин қилинади:

- аҳоли бандлиги ва маҳаллий иқтисодиётга таъсир.
- Бекобод шаҳрининг маҳаллий инфратузилмасига таъсир.

Янги иш ўринларининг яратилиши, қурилиш босқичида ишчилар томонидан товар ҳамда хизматлар истеъмоли ва Бекобод шаҳри инфратузилмасининг яхшиланиши ҳисобига Лойиҳанинг амалга оширилиши маҳаллий даражада ижобий таъсир кўрсатади. Эксплуатация босқичида фақат мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ортиши, давлат даромадлари ва солиқларининг ошиши билан боғлиқ миллий даражадаги ижобий таъсир кутилмоқда.

Кўплаб ижтимоий-иктисодий нохуш таъсирларнинг сезиларсиз ва кичик деб баҳоланганини ҳисобга олинадиган бўлса, Лойиҳанинг жамлама нохуш таъсирлари жуда кам.

7 ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ТАЪСИРЛАР

Дастлабки баҳолаш бўйича ҚПМ лойиҳавий жараёнларини амалга оширишда атроф-муҳит ва ижтимоий муҳитга нисбатан трансчегаравий таъсирлар ҳам кузатилади.

ФС-1 Р36 га мувофиқ трансчегаравий таъсирлар у ёки бу томоннинг юрисдикцияси остида бўлган худудда режалаштирилаётган фаолият сабабли юзага келадиган нафақат глобал характердаги, балки ҳар қандай таъсирлар бўлиб, унинг жисмоний манбаси тўлиқ ёки қисман бошқа томон юрисдикцияси остида бўлган худудда жойлашган.

ҚПМ обьектлари ЎМК участкасида жойлашган, комбинатнинг чегаралари Ўзбекистон давлат чегараси билан бир жойга тўғри келади, бу чегара ортидан Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўрин олган бўлиб, унинг маъмурий маркази Хўжанд Бекободдан 33 км шарқроқда жойлашган.

Тожикистон ва Ўзбекистон давлат чегараси яқинидаги шаҳар худудида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи сезиларли манбалар жойлашган – “Ўзметкомбинат” АЖ, “Бекободцемент” АЖ, қурилиш саноат корхонаси, ГРЭС, қозонхоналар, автотранспортлар.

Тожикистон томондан бўладиган таъсир манбаси шаҳардан жануби-шарқий томонда 0,7 км да жойлашган цемент заводи ҳисобланади.

Лойиҳа худуди маҳалласининг аҳолиси билан ўтказилган лойиҳавий консультациялар жараёнида Тожикистон худудидаги цемент заводининг фаолияти натижасида юзага келадиган таъсир ҳақида кўплаб шикоятлар билдирилган. Таъсирнинг кўлами октябрь ойидан апрел ойига қадар бўлган даврда Тожикистон томондан эсадиган кучли мавсумий шамол билан боғлиқ.

Шунингдек, Бекобод шахри маъмурияти томонидан цемент заводининг ҳавони ифлослантириши бўйича аҳолининг шикоятларини тасдиқлайдиган расмий маълумот тақдим этилган (Ўзбекистон Республикасининг Давлат экология қўмитасига юборилган).

Тожикистон худудида, цемент заводидан унча узоқ бўлмаган жойда Ўзбекистоннинг иккита анклавлари, Жомий ва Бунёдкор маҳаллаларининг мавжудлиги яна бир муҳим факт ҳисобланади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича ҳаракатларни ифодаловчи трансчегаравий контекстдаги хужжатлардан бири, 1991 йилда қабул қилинган Эспо Конвенцияси ҳисобланади.

Конвенцияга мувофиқ эҳтимолий хавфли лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг (оммавий муҳокамани ўз ичига олувчи) тартиб-таомили нафақат давлат ичida, балки мазкур обьектлар таъсиридан заар қўриши мумкин бўлган қўшни давлатларда ҳам ўтказилиши лозим бўлади.

Ўрта Осиё давлатлари ҳукуматларининг мурожаатларига биноан 2017 ва 2018 йилларда тайёрланган “Ўрта Осиё давлатлари учун трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича қайта кўриб чиқилган етакчи тамойиллар” ушбу давлатлар ҳукуматларига келгусида амалиётда қўллашга ёрдам бериш учун атроф-муҳитга трансчегаравий таъсирни баҳолашнинг тартиб-таомили тақдим этилган.

Мазкур етакчи тамойиллар лойиҳа доирасидаги трансчегаравий таъсирлар контекстида АМИСТБ тадқиқотларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласади.

Шартноманинг вақт чегараларини ва ажратилган бюджетни ҳисобга олган ҳолда, таъсирларни трансчегаравий баҳолаш контекстида Консультант томонидан амалга ошириладиган асосий вазифалар:

1. Хабарларни тайёрлаш – атроф-муҳитга таъсирларни трансчегаравий баҳолаш тартиб-таомилини бошлиш учун расмий ва мажбурий чора-тадбирлар. Таъсир юзага келадиган давлат зарап кўрадиган давлат ёки давлатларни имкон қадар тезроқ – бу давлат ёки давлатлар ўз жамоатчилигини хабардор этишидан аввал - хабардор этиши лозим (ECE/MR.EIA/8, 41 банд).
2. ЎМК СМҲ нинг периметри бўйлаб Ўзбекистон ҳудудидаги, шунингдек, Тожикистон ҳудудида жойлашган Жомий ва Бунёдкор анклавларидағи ҳаво сифатининг мониторинги.
3. “Ўрта Осий давлатлари учун трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича қайта кўриб чиқилган етакчи тамойиллари”нинг алоҳида бўлимларини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитга ва ижтимоий соҳага таъсирни баҳолаш бўйича ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш.
4. Жамоатчилик иштироки – атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий баҳолашда иштирок этувчи давлатлар ўзларининг ваколатли органлари орқали тегишли органлар ва жамоатчиликнинг ушбу жараёнда самарали иштирок этиш имкониятини таъминлайдилар, мазкур жараёнлар Ўзбекистон Республикасида Консультантнинг иштирокида амалга оширилган.

8 ЭКОТИЗИМЛИ ХИЗМАТЛАРГА ТАЪСИР

Умумий олганда баҳолаш доирасида ўнта турли экотизимли хизматлар кўриб чиқилган:

- сув ресурслари билан таъминлаш (сув таъминоти);
- сув биоресурсларини овлаш (балиқ);
- локал иқлимий жараёнларни бошқариш;
- глобал иқлимий жараёнларни бошқариш;
- ҳаво сифатини бошқариш;
- сув сифатини бошқариш;
- шовқинни бошқариш;
- илмий ва таълим қадриятлари;
- маданий қадриятлар (археологик ва маданий мерос);
- биологик турларнинг хилма-хиллиги.

Баҳолаш тартиб-таомилига киритилган, энг долзарб экотизимли хизматлар қўйидагилар ҳисобланади:

- сув ресурслари билан таъминлаш (сув таъминоти);
- ҳаво сифатини бошқариш;
- сув сифатини бошқариш.

Лойиҳа бўйича бажариладиган ишлардан сув ресурслари билан таъминлашга (Далварzin канали) нисбатан таъсир даражаси унчалик сезиларли бўлмаслиги аниқланган, сувни тежай бўйича стандарт чора-тадбирлар қўлланилганидан сўнг каналга нисбатан қолдиқ таъсир ҳам кичикигина қолади.

Қурилиш, ишга туширишдан олдинги тайёргарлик ва фойдаланиш босқичларида лойиҳа ечимларининг тадбирлар ўтказилгандан сўнг ҳаво сифатини тартибга солишга таъсир даражаси паст деб баҳоланди.

Сув сифатини тартибга солишга сезиларли таъсир (Далварzin канали ва Сирдарё дарёси) прогноз қилинмаган.

ҚПМ нинг қурилиш ва эксплуатация босқичларида экотизимли хизматларга нисбатан салбий таъсирларни олдини олиш ва/ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирлар АМИСТБ да асосланган қарорлар билан таъминланади.

9 АЛОҚА ЎРНАТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

“Ўзметкомбинат” АЖ нинг ҳақиқий манзили, алоқадаги шахс ва телефон:

Ўзбекистон Республикаси, 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1;
+998 70 214 14 23 (офис менеджер)

info@uzbeksteel.uz

<http://www.uzbeksteel.uz/>

Экологик ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ жамоатчилик мурожаатлари, жамоатчилик сўровлари учун “ЎЗМЕТКОМБИНАТ” АЖ нинг алоқа маълумотлари:

Жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассис, ҚПМ етакчи муҳандиси,

Кенжабоев Восит Валиевич

+ 998 90 336 33 13

v.kenjabaev@uzbeksteel.uz

Лойиҳа бўйича маълумот етказиш учун ҳавола: <http://www.uzbeksteel.uz/ovos-i-ss/4874>

Консультантнинг алоқа маълумотлари

“ГК ШАНЭКО” АЖ (Россия Федерацияси)

“Группа Компаний ШАНЭКО” Акционерный комитет

РФ, 115522, Москва ш., Москворечье кўчаси, 4 уй, 3 корп.

+7(495) 545-34-21

shaneco.group@shaneco.ru

Лойиҳа раҳбари: Рябенко Александр

Ижтимоий ва экологик масалалар бўйича суб-консультант

“Ekostandart Ekspert” МЧЖ (Ўзбекистон)

Ижтимоий масалалар жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис:

Мамуржон Расулметов

+998 90 5847477

pm@ecostandart.uz

10 ХУЛОСА

“Ўзметкомбинат” АЖ ҚПМ қурилиши лойиҳасининг атроф-муҳитга ва ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш натижалари мониторинг бўйича таклиф этилган чора-тадбирлар ҳамда тавсияларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, режалаштирилган фаолиятнинг амалга ошириш имкониятларининг мавжуд эканидан далолат беради.

1. Техник қарорларни амалга оширишнинг эҳтимолий муқобиллари (жумладан объектнинг жойлашув жойи, технологиялар танлови ва/ёки бошқалар бўйича) атроф-муҳитга таъсир борасида алоҳида фарқларга эга эмас. Кўзда тутилаётган фаолиятни рад этиш учун асос йўқ.
2. Тадқиқотлар натижасида режалаштирилган фаолиятнинг атроф табиий ва ижтимоий муҳитга кутилаётган таъсирининг хусусиятлари аниқланди, улар асосан паст аҳамиятлилик, маҳаллий ёки маҳаллий миқёсда тавсифланади.
3. Лойиҳада назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин ҚПМдан фойдаланиш босқичида атмосфера ҳавосининг кимёвий ва акустик ифлосланишининг қолдик таъсири трансчегарашибий хусусиятга эга бўлмайди.
4. Режалаштирилаётган фаолиятнинг экологик ва улар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий оқибатлари АМИСТБ тадқиқотлари материаллари билан асосланган тавсиялар тўлиқ бажарилган тақдирда қабул қиласа бўладиган деб баҳоланади.
5. Жамоатчиликни хабардор қилишнинг дастлабки натижалари комбинат томонидан мўлжалланаётган фаолиятга тааллуқли қарорлар қабул қилишда ҳисобга олиниши талаб этиладиган аҳолининг хавотирлари ва жамоатчилик хоҳишистаклари йўқлигини кўрсатди.